

**Назар ШУКУР**

# **ВИДО**

***Шеърлар***

Қарши

«Насаф» нашриёти

2005

84(54)6-5


Хаётнинг давомийлиги буюклар яратган  
пурмаъно ҳикмату ўтлиғ сўзлардан янада узаяди,  
турфа шакл топиб сайқалланади. Иқтидорли шоир  
Назар Шукур ҳаётдан эрта кетса-да ўзидан  
авлодларга Сўз қолдирди. Унинг юзлаб шеър  
достонлари ҳали ёруғлик юзини кўргани йўқ. Ушбу  
китобга шоирнинг чоп қилинган ва илк бор нашр  
этилаётган бир туркум шеърлари жамланган. Азиз  
китобхон, шоир шеърларидан баҳраманд бўлинг!

Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:  
**Ўроз Ҳайдар**

Ю 31436  
291

Ш 4702620202 - 47  
376(07) 2005 - 47 - 2005. ©Н.Шукур

ISBN 5-7323-0502-2



Ю

### **КЎЗГУ**

Йўлда бир кўзгу  
Ётарди синиқ,  
Синса ҳамки у,  
Сийнаси тиниқ.

1972

### **ШАРШАРА**

Баландликдан ўзини ташлар,  
Сурон солиб шаддод шаршара.  
Мавжларидан энтикади жар,  
Сукунатлар тортади наъра.

Пастликларга етмоқ истар тез,  
Бор кучини йиғиб танига.  
Отилади, заминдан шу кез  
Бир зумгина айрилганига!

1975

### **МАЖНУНТОЛ**

Сочи билан тўсиб юзини,  
Ғамгин турар мажнунтол мудом.  
Еллар эса юпатиб уни,  
Севинч этмоқ бўлади инъом.

Ҳар дам яшар қомати эгик,  
На кунлардан тутгай нашида.  
Узоқларга боқмай сира тик,  
Ўртанади ғам оташида.

Ичга ютиб дардларин ёлғиз,  
Ўзгартирмас шаклу вазият...  
Яшагани учун мевасиз,  
Бош кўтармай чекар азият.

1975

## СОНЕТ

Харсанглар тўфайли вазмин тоғлар тик,  
Беҳасрат яшайди салобат тўкиб.  
Уларсиэ бир кун ҳам кўролмаё хурлик,  
Пурвиқор қомати қоларди чўкиб.

Бошига кўтариб, айлаб эҳтиром,  
Чўққини илк бекат этган қуёшга.  
Ирмоқлар қуйилиб баланддан беном,  
Куйлайди урилиб шу содиқ тошга.

Сарафроз зирҳини этиб кенг гўша,  
Оқ наво тўқийди ором топган қиш.  
Қалбларда иштиёқ уйғотган, ўша -  
Харсанглар тоғларнинг фарзанди эмиш...

Шунинг -чун бир харсанг кетса тоғ-дара -  
Оламни титратиб тортаркан наъра!

1976

Кунгабоқар ва Намозшомгул,  
Гулзэр аро яшайди ёндош.  
Бири ошиқ қуёшга буткул,  
Бирида йўқ кундузга бардош.

Бири шоддир, бири тортса ғам,  
Бўлишолмас дард-сирларини.  
Шунча яшаб бирга бўлса ҳам,  
Тушунолмас бир-бирларини.

1976

Сўзлай қолса секин, ингичка,  
Ҳазиллашиб дўстлар ташлар гап:  
-Овозингни ютасан ичга,  
Нега бунча қизларга ўхшаб?

Ўртоқлари койир бесабр,  
Дугонасин йўйиб "тентак"ка.  
-Қаҳ-қаҳ урмай астароқ гапир,  
Тап тортмайсан ўхшаб эркакка.

1977

### **ОВОЗИМНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ**

Чақираман айтиб номингни,  
Келолмасдан,гулим, ўзимга.  
Висол ишқи ўртар жонимни,  
Тиқилади сўзлар БЎҒЗИМга.

Чақираман!  
Турар бемалол,-  
Овозимни ЙИРОҚлар ютиб.  
Шахт-шиддатин синдиргай, алҳол,  
Собит ҚИРлар кўксини тутиб.

Зилдай ҲИЖРОН ўртада абад,  
Сен яшайсан баридан нари.  
Имкон бермай қийнар бешафқат,  
Овозимнинг чегаралари!

1977

\* \* \*

Эринг бўғилади шеърларим ўқиб,  
Сени азоблайди излаб баҳона.  
Сен-чи, ёлворасан унга тиз чўкиб,  
Дейсан: " У мен учун энди бегона!.."

Ишонмас! Чорасиз тўйдинг жонингдан,  
Бошингдан ёғилар таъналар бетин.  
Мен ўлсам- маҳрумсан илк севганингдан,  
У ўлса - фарзандинг қолади етим!

1977

## **ХАЁЛ САРҲАДИ**

Фазоларга элтади хаёл,  
Масофалар гурурин ёриб.  
Кенгроқ маъво тополмай, беҳол -  
Чексизликка урилар бориб...

1977

## **УЧРАШУВЛАР**

1

Турдинг хаёлимда жимгина кулиб,  
Лабда табассуминг унсиз сочасан.  
Сен томон талпинсам гар қучмоқ бўлиб,  
Қочасан!..  
Кўз ўнгимда ёлғиз чарақлаб кундай,  
Учрашиб турасан кундузлар шундай.

2

“Сулувим!..  
Кучаман босиб бағримга,  
Гўзал жамолингга боқиб тўймайман.  
Дунё шодлик бўлиб қайтинг-ку менга,  
Сен кетиб қоласан,  
Сени қўймайман!..”  
Уйғониб кетаман! Шодлик ҳам абас,  
Фамларинг тарк этар фақат тунлари.  
Бенасиб висолга тўймасак-да маст,  
Шундай учрашурмиз ҳижрон кунлари.

1977

## **СУВРАТ**

Асрар дақиқалик умримни суврат,  
Собит турар унда оний ҳолатим.  
Ёнверимда нафас ютган сукунат,  
Кўзларимда қотган парча жуъратим.

Гоҳ не фурсатимиз ўтса ҳам бекор,  
Ўйлаб ҳам кўрмаймиз афсус этмоқни...  
Суврат-чи, лаҳзалик умримни зинҳор  
Олис замонларга асраб элтмоқчи.

1978

\* \* \*

Умрлар ортида барҳаёт ўлим,  
У баттар даҳшатли, жим-жит бир дунё.  
Қадимий зулумот безавол, сўлим,  
Ўлим ҳам жим кезар қўрққандан гўё.

Дарвоқе, эсларкан уни одамзод,  
Силқиган ваҳмини бўлмади сўйлаб.  
Даҳшатга тушади,  
Абадул-абад  
Орзуисиз, севгисиз яшашин ўйлаб.

1978

### **ТУНГИ СОАТЛАР**

Тун аро соатлар армонда,  
Бўм-бўшдир қоп-қора вужуди.  
Тутундай бурқсир тун ҳар ёнда,  
Хилқатга ғарқ сўнгсиз худуди.

Тўлғонар соатлар зерикиб,  
Шарпасиз кулади ҳилол ҳам.  
Бу изсиз лаҳзалар шериги,  
Қўйнида на кулгу, на нур жам.

Кўз тикиб қайноқ кун йўлига,  
Югурар... Масофа чўзилар.  
Урилиб муддатин сўнгига,  
Қадамин овози узилар.

1978

## ШАКЛЛАР

Шакллар ўксинар,  
Хаяжонларда -  
Севгида, қувончда тиклолмай ўзин,  
Қай биров кимгадир қилганда зарда,  
Кўради ярадор юракда изин.

Бир тилсим портласа зич ўйлар аро,  
Кимнингдир беомон ёриб ақлини.  
Кўргиси келади шунда ҳам, аммо.  
Шакллар ўзининг чил-чил шаклини.

1978

## ҒАРИБНИНГ ҚЎШИҒИ

Ўртамизда мудҳиш йироқлар  
Ва ястанган маъшум айрилиқ.  
Биз йилларга ишонсак агар,  
Боққиси ҳам келмас қайрилиб.

Кўрсатмай кун ўртади-ку ғам,  
Ташланади азоблар ҳам тик.  
Келгин энди, жоним, шоҳ Санам,  
Чўққилардан ўзни ташлайлик!

Ер тишласин дарду жонимиз,  
Оқсин сувда гавдамиз қалқиб.  
Тошлар узра ёнсин қонимиз,  
Ҳаёт қолсин чўққидан боқиб.

Етолмаган бўғиқ садолар,  
Ёнсин бағрин ғамларга ўраб.  
Бизсиз қолган кулфат, савдолар,  
Ортимизда қолсин тентираб.

Ҳайрон этиб одамлар барин,  
Жасоратдан кетайлик яшнаб.  
Биз қучайлик денгизлар қаърин,  
Хиёнат у ҳижронни ташлаб!

1978

\* \* \*

Хувуллаб ётибди шундоқ орамиз,  
Адырлар... бўшлиқлар... тоғлар ўртада.  
Кўрнмай йилларга ёндош борамиз,  
Ёнма-ён борамиз ҳатто артага.

Ён-верда бегубор ҳаётбахш ҳаво,  
Биз бирга оламиз нафасни тўйиб.  
Ҳар кунги тегада шу қуёш, само,  
Яшаймиз лутфида қувониб, кўйиб.

Ҳамроқимиз доимий дард, эзгуларга,  
Қарагин, ҳаттоки бирдир дилимиз.  
Узоқимиз.  
Ва лекин туну кунларга,  
Бир лаҳза, бир вақтда тушар йўлимиз.

1978

\* \* \*

Не ҳадиклар жойлаб кўнгилга,  
Тини дамлардан кетгайсан учиб.  
Бехотиёр ноимини тилга,  
Олишингдан яшайсан чўчиб.

Хаёлингу тушингга мутлоқ  
Шарпалардай киргайман сизиб.  
Сен кўрқасан, ёринг боққан чоқ  
Чиқишимдан чеҳрангга сузиб.

1978

\* \* \*

Бошинг ҳамдир бу ҳақсизликдан,  
Қолдинг ёлғон олдида ожиз.  
Энди нурлар ёғилмас кўкдан,  
Равшанлиқни илғай олмас кўз.

Ташнаи ҳол талпиниб сенга,  
Ёқлаб келар бир кун Ҳақиқат.  
Қайта боқиб порлоқ очунга,  
Отилгайсан ўша дақиқа.

1978

\* \* \*

Хайр!  
Энди учрашмаймиз ҳеч,  
Титраб турар бу сўнгги висол.  
Қуёш ботмай тушаётир кеч,  
Қучишамиз бир-бирни беҳол.

Хайр! Не тонг, кўзингни ёшлаб,  
Сен ортимдан қоласан туриб.  
Мен-чи, кескин қадамлар ташлаб,  
Айрилиққа кетаман кириб!

1978

\* \* \*

Мен кетаман!  
Демай бир сўзни,  
Чиқиб висол кошонасидан.  
Қийноқларга отаман ўзни,  
Ўтиб фиरोқ остонасидан.

Дарду ғамлар ташлар оғриқ из,  
Ўзга мукофотин тутолмай.  
Шод кунларим қолади бахтсиз,  
Менинг билан бирга ўтолмай.

1978

\* \* \*

Чўкиб ётар кўзимда Дунё,  
Анқиб турар ранг-баранг бўйи.  
Масрур оқар қўйнида Зиё,  
Чексизликнинг ҳидига тўйиб.

Бехос солиб толиқиш забтин.  
Кўтарилар уйку тўзони,  
Киприкларни ёпар у секин,  
Ташқарига қувиб Дунёни!

1978

### **ВАҚТ ХИЁБОНИДА**

Дарахтлардай ўтишар қатор,  
Дақиқалар икки ёнимдан.  
Мен бораман дунё келиб тор,  
Кўркам Вақтнинг хиёбонида.

Армонларнинг кўксин поралаб,  
Ҳордиқ олмай йўллар ошаман.  
Гоҳ тун, гоҳо кунни оралаб,  
Келажакка яқинлашаман.

1978

\* \* \*

Томчидай турибди титраб куз,  
Энг сўнгги лаҳзага илиниб.  
Зум ўтмай фалокат берар юз,  
Зум ўтмай жон берар уриниб.

Узилди!..  
Изида хазон, мунг,  
Ҳар ённи қамради ларзалар.  
Киради ададсиз қишга сўнг,  
Хотиржам қор кечиб Лаҳзалар.

1978

### **БОЛАЛИК**

Гоҳ бўлса ҳаётда ташвиш кўндаланг,  
Болалик жим қалқиб чиқар хотирга.  
Хаёллар эшигин очар шунда ланг:  
Хивич от, шўхлик-ла бўламан бирга.

Тагин хув, йироқлар туюлар сирли,  
Тагин пок руҳимга ҳар нарса тилсим.  
Шунчалар покиза.  
Шунчалар нурли,  
Содда эртақлардан узилган умрим.

1978

\* \* \*

Ишончингга ясагач якун,  
Тошдай қотдинг ўзингдан кетиб.  
Сенсиз етим ўзлигинг, лекин  
Боролмади изингдан етиб.  
У-чи, кетди тортганча енгил,  
Осонгина изига қайтиб.  
Сен ўзингга қайтолмай буткул,  
Қололмадинг бир сўз ҳам айтиб...

1978

\* \* \*

Осмон булут.  
Ер узра чўккан  
Кўраётган зилдай тушлари.  
Ёғилади кўлкалар кўкдан,  
Сукунатга лиммо-лим қаъри.

Боқиб булут тирқишларидан,  
Унсиз қотиб қуёш кулади.  
Хуркитади чўккан тушларни,  
Ерга тушган кундуз бўлаги.

1978

### **ҲИЖРОНДАН СЎНГ...**

Сўзлолмадик дардларни тўкиб,  
Тошдай чўкар ўртага жимлик.  
Сокинликлар сақлайди сукут,  
Энди, энди бу бошлар эгик.

Фожиадай туюлар бизга,  
Қайта бўлмоқ бундай юзма-юз.  
Сигмагаймиз кўзларимизга,  
Сигмаётир орага ҳеч сўз.

Кўз ёшларим сени деб оққан,  
Чин севгидан тонмоқлик нечун?  
... Шошиламмиз хайрлашмоққа,  
Айрилиққа қайтмоқлик учун.

1978

\* \* \*

Юрак осмонида азоб найсони,  
Тўсади нурларни - севинчлар йўлин.  
Бўғзига тиқилар Харорат жони,  
Беғубор Чексизлик кўтарар кўлин.

Юрак ҳам бўғилар етмай нафаси,  
Туманлар ортида инграйди сурур.  
Тинади юзларда кулгилар саси,  
Изтироб - изгирин тўқади гурур.

Совуқ сўз!..  
Вужудни - юрак оламин,  
Қаҳратон қаҳридай қўйди совутиб.  
...Севинчлар йўлини очади секин,  
Муалаган кўнгилни кимдир овутиб.  
Нурлардан ёришгай юрак осмони!..

1978

\* \* \*

Тун кутади ухламогимни,  
Вужудини босади титроқ.  
Ичкарини ёнар соғиниб,  
Пойлар тинмай ўчишин чироқ.

Парча тундек сочларим билан,  
Кетмоқ истар сўзсиз қоришиб.  
Чироқ ўчгач,  
Тун кўзларига -  
Кетар бутун олам ёшириб!

1978

\* \* \*

Ҳар ҳолда юпанч бор,  
Ҳар ҳолда тилак.  
Ҳар ҳолда яшашга бораман ҳолсиз!  
Сени деб қолсам-да бешавқ, беюррак,  
Кун кўрмоғим оғир Хаёлсиз...

Хонамдан аримас мен кутган қадам,  
Йўқ, зимдан кузатмас бирор пойлоқчи.  
Кўрмайди бизларни ҳеч битта одам,  
Ён-верда мунтазам Хаёллар соқчи.

Хаёллар ҳеч кимни қўймас бу ерга.

1978

### **БЕМОРНИНГ УМРИ**

Бемор кўзларида чинқирар ҳаёт,  
Мажолсиз юракда орзулар ҳалак.  
Ўлим- осмонида ёзади қанот,  
Умидлар... одамлар... олам чархпалак.

Титрайди омадсиз Курашнинг сабри,  
Яшашга айланган ягона Матлаб.  
Вақтлардан вақтларга, сўнаётган умри  
Базўр-р ўтарди хатлаб...

1978

\* \* \*

Истиқбол етказмас - беомон учқур,  
Олдинда тин олар ҳориса, толса.  
Қандай даҳшат агар мендаги умр  
Унингсиз қолса?!

Кўсига шамширдай санчилган йўллар,  
Югуриб етолмас менга оромим.  
Истиқболда номсиз - дамлар, кун, йиллар...  
Чорлайди!  
Ястанган кашфсиз давомим.

1978

\* \* \*

Офтоб... Осмон... Бедорлик билан,  
Ёруғликни яшаймиз кўмиб.  
Қолдирилар тунд кечалардан,  
Эрта кунга ташвишу умид.

Уйкуларни отиб ҳар ёққа,  
Шиддатларга кўмганча бутун -  
Ҳей, одамлар!  
Қалқинг оёққа,  
Тундан кўзни юммоқлик нечун?!

1978

### **ОҚ САРОЙ**

Ҳар қатида инграйди тарих,  
Дарди каби залворли виқор.  
Унда қолган ниятлар ғариб,  
Унда қолган нафрат беизҳор.

Ҳайрон этар асримни мутлоқ,  
Гўзаллиги - дардларнинг ранги.  
Заволларнинг лутфига муштоқ,  
Кўмолмаган йилларнинг чанги.

Товланади қуёшда ял-ял,  
Ажаб турфа нақшин фарёд-зор.  
Ҳайрон этган ё ўша зарҳал,  
Клавихо, Бобурни такрор!

Тошдай собит ғиштлар қатида,  
Одамларнинг чўккан саботи.

Мудҳиш мозий илтифотида,  
Аччиқ-аччиқ хотирлар тотӣ.

Қонлар билан битилган ҳикмат-  
Аждодларнинг сокин шарпаси.  
Ямлолмади сўзларни зулмат,  
Ҳар гишт - буюк ғамлар парчаси.

Боққин, букун шодликлар аро,  
Савлат тўкар бу қадим Армон.  
Ўтмиш шундай гўзал ва қаро,  
Боқаверсанг тугайди дармон.

Ўша армон - жовид Оқ Сарой  
Чехрасида шуъла ўйини...  
Машъал каби сочмоқда чирой,  
Қад кўтарган ғамлар уюми.

1978

\* \* \*

Армон, Ўкинч, Фусса, Пушаймон.  
Борлигимга киргай бостириб,  
Ўча бошлар кўзимда жаҳон,  
Зулумотнинг исмин ёздириб.

Шуълаларга тўлсин деб бағир,  
Тутқич бергим келмас мунгларга.  
Бироқ,  
Инграб юборгум оғир,  
Урилганча Сенсиз кунларга!

1978

\* \* \*

Ҳа, қўналга излар бир Сўроқ,  
Теграсида ҳижрондай бўшлиқ.  
Қанотлари толиқар, бироқ-  
Насиб этмас унга ҳеч хушлиқ.

Бўй кўрсатмас манзилу таскин,  
Жавоб бўлмас,

Эҳ, ҳамма жимдир.  
... Сас чиқармас шу сўроқ васлин  
Яширганча қалбида кимдир.

1978

### **ЎЙЛАР ҚАЪРИДА**

Ботаман ўйларим теран қаърига,  
Наинки тубида имконлар тўкин.  
Тошлардек бу сассиз олам бағрида  
Болалик... хотирлар... ётибди чўкиб.

Холбуки, бу дунё сокин, безабон,  
...Ўтган дам шавқларин ҳамроҳ этаман.  
Келажак бўлса ҳам олдинда ҳамон  
Бу ерда аҳд қилсам,  
Этаман!

1978

### **УЙҚУЛАР БАХТЛИКИ...**

Тун жуда қисқадек.  
Фақат умримиз-  
Ўтгандек нурафшон кун оғушида.  
Ҳузурбахш уйқуга юмилганда кўз,  
Узоқ тонг қўйнига тез бордик жуда.

Йўқса, нур кўрмаган фурсатлар бирдан,  
Сиқарди кечалар юракларни гар.  
Уйқулар бахтлики,  
Учқур умрдан -  
Узун, суст вақтларни олиб ташларлар!

1978

\*\*\*

Бугун ҳам ўша кун,  
Шу олам, шу ер  
Қарагин, ранглар ҳам тури-турлича.



Бугун ҳам тўкамиз шу ташвиш деб тер  
Шундоқмиз,  
Бўлсак биз қандай кун кеча.

Биолар жойида,  
Ҳислар жойида,  
Қий-чувлар гоҳ баланд, гоҳ элас-элас.  
Беқарор, фақат бир митти қоида:  
Кечаги фурсатлар жойида эмас!

Бугунги умримиз имкон-тақдири  
Янги он, лаҳзалар зиммасида-ку!

1978

### **МАНЗАРА**

Рассом Ўрол Тансиқбоевга

Ҳаракатлар муаллақ, бетан,  
Кишанланган шамоллар шундай.  
Еллар ҳайрон ўз суратидан,  
Ёғдуларга йўғрилган Кунгай.

Тоғ бошида мангу қорлардек,  
Адирларда ғолиб лолалар.  
Тебранишлар кимирлолмас, тек,  
Гул узганча қолган болалар.

Лаҳзалар ҳам кезмоқдан бешиб,  
Олаётир мангуликда тин.  
Мовий кўкка қолган қўл чўзиб,  
Хув, гулхандан юксалган тутун...

1978

\* \* \*

Кўз очаман.  
Шабнамлар гўё -  
Кенгликларга сачрар нигоҳим.  
Қорачиғим тўлдиргай дунё,  
Ёғдуларда юз очгай роҳим.

Гоҳ юракни шундоқ очилган  
Гўзалликлар юборса сиқиб,-  
Кўзни юмиб,  
Ҳар ён сочилган  
Нигоҳларни оламан йиғиб...

\* \* \*

Ўзим етолмадим,  
Васлингга аммо-  
Етди хаёлларим, ўю тушларим.  
Ҳажрингга урилиб чил-чил доимо  
Кўзгудек беғубор талпинишларим.

Сен билан банд бари!  
Энди орзулар  
Четларда бекорчи тополмасдан жой.  
Қаршимда михланган рўёлар кулар,  
Ё умру ишончим бердимикан бой?

Хаёллар, ўйлару тунлар кучоғи  
Орзулар авжигга тўларди шу зум:  
Васлингга уларнинг етмаган чоғи  
Ва етган чоғимда васлингга ўзим.

1978

\* \* \*

Оқаяпмиз бу шаддод онлар устида!  
Кечмиш ортда қолди,  
Қолгандай тоғлар.  
Олам ҳам, осмон ҳам ўзин тусида,  
Оқаяпти,  
Хувуллаб ётган йироқлар.

Мавжларин юзида бамисли чўпдек  
Кундузи кечалар қалқийди тенгсиз.

Сўнгсизлик ортида кутаяпти тек  
Истиқбол - денгиз!

1978

\* \* \*

Ҳали ҳаётимни етаклар йиллар,  
Ҳали давомимга тириклик эга.  
Билмадим, қай қачон бошим урилар  
Яшамоқлик чегарасига!

Қай йилга беркинган яшашим сўнги?  
Бўлурми изларим доврўғи улкан?  
Билмадим, абадга ногоҳ қай кунги  
Заҳотлар тўхтатар Ҳаётим йўлдан!

1978

\* \* \*

Учиб кетган турналар янглиғ  
Олислардан жой излаб баҳор.  
Энди йўллар оташин, чангли,  
Тўзгитар ёз тупроқни такрор.

Жудо бўлиб бор имконидан  
Ҳароратдан сарғаяр ранглар.  
Жилолмас ҳеч сувлар ёнидан  
Кетолмасдан қолган кўкламлар...

1978

### **ҚИСМАТ ОРТИ**

Қисматим чорлайди манзилим мисол,  
Ҳаётим... муродим... қўйнида елар.  
Аммо мени сирли орти этар лол,  
Уни истиқболда чорларкан нелар?

Ортида бормикан ҳаёту толе,  
Чарх урган ҳаракат ундами тирик?  
Қадимий бўлса-да Мангулик, ҳали  
Бир бор бормаган-ку у жойга кириб!

Гар борсак, кулгулар яшнарми озод,  
Янграрми шовқину наволар ҳадсиз?  
Эзгулик қандай кун кўраркан, ҳайҳот,  
Қисматсиз!

Шу ерга шошарми бу телба юрак,  
Қаранг, ҳеч тўсиқдан турмас тортиниб.  
Шунчалар кўрмоқлик бўлдими керак  
Орзулар ортини,  
Умрим ортини!

1978

### **КЎПКАРИ**

Катта сайҳон. Атрофда қирлар,  
Йиғилишган бор аҳли овул.  
-Ғолибга зўр мукофот тега!..  
Ҳайқиради ногоҳ баковул.

Ҳайқиради отлар дупури,  
Чавандозлар турмайди кутиб.  
-Ким бўларкан ичида зўри,  
Қай бирови чиқаркан ютиб?

Шамолларда учар бетиним  
Овозлару хушбўй ҳаяжон.  
Зафаридан сапчир экан ким?  
Қамчилардан сапчир шиддат, жон.

Сел мисоли тошқин суронни  
Сипқоришар бўшлиқлар ташна.  
Қақраб ётган жимлик ёбони  
"Ҳай-ху"лардан кетади яшнаб!

Эзгиланар туёқларда вақт,  
Мушфиқ паноҳ - дунё ҳам унут.  
Фазоларда ураяпти чарх  
Ер кўксидан суғрилган сукут.

... Ана, қай бир чавандоз голиб,  
Чайқалади илдизсиз ҳаво.  
Зафарини тақимга олиб  
Етказмайди ҳеч кимга, аммо.

Кўмаётган олқиш, қийқирик  
Уюмини у ўтган ёриб.  
Сўнг улоқни ташлар дадил, тик,  
Хув, кўзлаган маррага бориб.

Шиддатлари тортади салқи,  
Кўллари жим ушлайди эгар.  
Жойдан кетар ҳайратлар қалқиб,  
Фолибга зўр мукофот тегар...

1978

\* \* \*

...Атрофимда шовқинлар тинди,  
Суринади кўзларим кўкка.  
Соғинчларим қирларга кўнди,  
Соғинчларим отилар тикка.

Йўқотаман дунёдан ўзни,  
Етолмасдан ҳарсиллар жисмим.  
Яйловларим, соғиниб Сизни  
Қайтиб келди тарк этган исмим.

Шуълаларда ялтираб тиғдай,  
Кувончларим чарчамас чоғиб.  
Шодланаман ўзимга сиғмай,  
Сизда қолган қалбимни тоғиб.

Ўрмалайди қўйлар суруви,  
Доимгидай хотиржаму шўх.  
Лек ортида ўйларин қувиб  
Эргашган у болалигим йўқ!

Кўйдимикан элтиб уйку,  
Қолдимикан ўйинга мафтун?  
Ахир, жуда соғинганман-ку,  
Кўрай, ахир биргина афтин?

Ўша мурғак дилида унган  
Орзулари ёнимда. Интиқ!  
Ажралмаймиз деб энди ундан  
Олислардан биз бирга келдик...

Нечун кўймас кўриниб ҳатто,  
Менсиз қайда юрибди дайдиб.  
“Катта” бўлиб кетдимикан ё  
Ўз тенгининг умрига қайтиб!

1978

\* \* \*

Оқшом ер кўксига ташлар гавдасин!  
Потирлаб қолади ларзадан кушлар.  
Қуёш шовқинларнинг тўнган нафасин  
Остидан силқийди эриган тушлар...

Овозлар донг қотган,  
Сўзлар донг қотган,  
Жонлар оромларга ўзин тоблайти.  
Очиққан туш эса, қайгадир ботган  
Ташвиш, қисматларни овлайди.

\* \* \*

Мен сўзлайман,  
Сен-чи бепарво,  
Туришингдан тоқатларим тоқ.  
Бир боргина боқмайсан қиё,  
Бир боргина тутмайсан қулоқ.

Ўзга ҳаёт ва ўзга иқбол,  
Ўз ёнига чорлайди сени.  
Сенсиз, менсиз қисматидан лол  
Ерда қолган Сўзларим менинг.

1978

## **ЙЎЛ ЭРТАГИ**

(Юстинас Марцинкявичюсдан)

Қизимга

Куёшга борарди дастлаб барча йўл,  
Фақат бири эди узун, беэиё.  
Куёшдан олисда қулаб аммо ул  
Қумларга кўмилди шундоқ сим-сиё.

Элтолмас ҳеч кимни энди беназир,  
Унинг наърасидан титрайди замин.  
Қутади, ўрнидан кўтариб кимдир  
Музаффар қуёшга етакламоғин.

## **ТЎНГАН ДЕНГИЗ**

(Юстинас Марцинкявичюсдан)

Бетоб кимса юзидаги  
докадай оп-п-поқ ва мурдадай совуқ.

Кўзи йўқ,  
Фикрлари кўринмайди.

Лаби йўқ,  
Эшитилмас инграши.

Юзи йўқ,  
Фақат дока бор.

Чағалайлар соҳил бўйлаб  
энтикиб қийқиради.  
Денгиз эса ухлаб қолган.  
Уйғотмайди.  
Ўлган.  
Оламдан ўтган.

\* \* \*

Энг юксақда танҳо бир дарахт,  
Чор-атрофи силкинар аён.  
Э-энг юксақда!.. Қандай бахт, шараф,  
Пастда қолган бор ҳажру армон.

Бир кун... оний чакмоқ дарғазаб  
Ямлаб ўтди музаффар бошин.  
Энг юксақда не бўлса, ажаб,  
Кун бергиси келмайди яшин!

1978

### **РАСКОЛЬНИКОВ**

"Лизавета, йўқ эди сенга адоват!.."  
Даҳшатдан мурдадай кетар кўкариб.  
Беғуноҳ кунларга қотил адолат  
Барибир, болтасин киргай кўтариб.

1978

\* \* \*

(Имант ЗИЕДОНИСдан)

Тургун олма топишга  
ҳаракат қилинг.

Улар ҳамиша ер тортиш кучи билан  
келдилар курашиб.  
Ва мудом оғир бўлди қулаши.

Яшил бутоқлар-чи,  
Тилсиз гувоҳлардай сукутда бўлдилар:  
Бундай олмаларнинг бўлмаслигин билиб...

\* \* \*

Хаёлларим чексиз эмас,  
Ўзимдан то висолингача.  
Ундан нарида ҳеч нима йўқ:  
Шеър ҳам, муҳаббат ҳам...  
Ҳаммаси,  
Мен билан то сенгача.  
Гоҳ шу хаёлларимга  
Ўзгалар!..  
Мен қутулолмаган ўзгалар кириб келади!  
Улардан нафратланаман,  
Улардан рашк қиламан!  
Қаранг,  
Бу ерда ҳам тинч қўймайди улар?  
қўрқаман жуда -  
Хаёлларим бўйлаб боришидан!  
Хаёлларим бўйлаб боришидан,  
Қўрқаман!...

Хаёлларим сўнгида  
Сен борсан-ку, севгилим.

\* \* \*

Сен ташнасан қандайдир сўзга,  
Ва юрасан висолига маст.  
Тушавермас ўйларинг изга,  
Дунё гўё унингсиз қафас.

Кимларгадир тўкилиб бир-бир  
Айтгинг келар кўнглингнинг борин.  
...Ҳамдард бўлиб қалбидан кимдир  
Кашф этади шу сўз дийдорин.

Мадад бўлгай севгилингдек у.

1978

## **ҚИШЛОҚ**

Қишлоқ сўйлар далалар аҳдин,  
Ва чўпонлар сўзини найда.  
Сўйлаб берди кимнингдир бахтин  
Дил сирларин оқизиб сойда.

Гапирардим гапни шевасиз...  
Чанг йўлларда кузатди,  
қайтсам.  
Англамади,  
Уриниб харгиз -  
Тор кўчалар исмини айтсам.

1979.

## **ДЕРСУ УЗАЛА**

Барг-одам.  
Сув-одам.  
Одамдир ўрмон!  
Майсалар одамдек эгган бошини.  
Дарёлар одамдир,  
Одамдир қоплон,  
Сен эгиб келтирма шохлар гашини.  
Тош отсанг, дарёнинг ингроқ жонида,  
Оловга тегишсанг тишлаб олади...

Яшайди тайганинг зич ўрмонида  
Дерсунинг олами.

Ҳис - одам,  
Ишқ - одам.  
Одамдир сўзлар!  
Изтироб одамдир,  
Одамдир бардош.  
Қарангки, одамдай тип-тиниқ бўзлар  
Гурс этиб қулашдан чўчиган кўз ёш.  
Мен севган титроқ бор ҳар ҳаяжонда,

Варақмас, қор кечар титраб қаламим.  
Яшайди серқуёш Ўзбекистонда  
Менинг оламим!"

1979.

*Дерсу Узала - В.К.Арсеньевнинг шу номли романининг бош қахрамони. У ҳамма нарсани одам деб атайди.*

### **ОТАМНИНГ ХАТИ**

Сени дуруст дердим ўғиллар ичра,  
Камтар ақлли деб қишлоқ мақтарди.  
Уларнинг айтгани келмади сира,  
Ўғлим, сен олисдан бахтни ахтардинг.

Ўйлагин, етмишни қолдим қоралаб,  
Бир катта умрни бой бердим чиндан.  
Хайиқдинг, тагин эл қилмасин деб гап,  
Йўқса пул сўрардинг ҳали ҳам мендан.

Ўзингга буюрсин нимаки топсанг,  
Ақалли битмайсан ўз ҳақингда хат.  
Бир пайтлар қилгандек фашист билан жанг,  
Энди-чи хўп сайлаб боқмоқда давлат.

Қишлоқдан кечдингми тўкмай деб терни,  
Сув урган тўғонинг эслаб чимларин.  
Сени заб талантли ва эсли дерди,  
Алдаган экан-да муаллимларинг?!

Қайдан ҳам йўлиқдинг шеър деган дардга,  
Унинг бир қатори биздан ҳам азиз.  
Галирдик, барибир, қайтмадинг ортга,  
Жаҳд билан шу йўлни танладинг ёлғиз.

Ахир, уй-жой, десанг, мана, тап-тайёр,  
Пул тўлаб яшайсан катақдай жойга.

Бундай юришингдан одам қилар ор,  
Беш йил ўқитганим, айт кетди қайга?

Дўстларим кўп дейсан, келмайсан бошлаб,  
Газетда кўрмаймиз шеърларингни ҳам.  
Нима гап, уни ҳам қўйдингни ташлаб  
Яхшироқ кўриниб қайси бир санам?

Китобим чиқади ҳадемай дейсан,  
Ҳар йили кутамиз, ундан дарак йўқ.  
Шоирлик чиқмаскан, бўларди келсанг,  
Мактабда ишласанг юрармидик тўқ.

Тут, толлар экканман, соясида, кел,  
Ёзиб ёт шеърингни, мол боқма, майли.  
Сени тўй -азада кўриб турсин эл,  
Наҳотки, қишлоқда илҳом келмайди?!

Хўп соғ бўл, айтдимда кўнглимда не бор,  
Дарвоқе, кийим-бош олдингни қишга?  
Не дердим, гап ўқмай қўл урдинг тахрор  
Ота-боболаринг қилмаган ишга...

\*\*\*

Бугун сен кетасан, Мен ҳам кетаман -  
Оромдан, севинчдан, яшашдан кескин.  
Яшамай ўтаман (Гарчи мен ҳаёт!)  
Мен севган нурлар ҳам бунчалар мискин?!

Бугун сен кетасан йўқликка гўё  
Пойингга йўлнимас, бўшлиқни тўшаб.  
Гўё сенсиз тугар оламда зиё,  
Гўё сенсиз дунё қолади бўшаб.

Жоним, олисларга кетгандинг-ку сен,  
Жоним, сен-рўёсан. Вужудинг қайда?  
Тушимга бостириб кирасан кескин,  
Сен кириб келасан кўзимга қайта.

Мени ёлғизликда истамай бирдам  
Самовий сиймонгни келасан бошлаб.  
Азизим, кела қол борлигин билан,  
Азизим, келмагин жисмингни ташлаб?

Олисларга кетмай, кўзим ўнгида  
Вафодор, чин дўстдек турибди ҳуснинг.  
Қўймас ўз ҳолимга, кетар сўнгида  
Тилимда унутиб қолдирган исминг.

Ўзинг ҳеч кўрмаган шаҳар бағрида  
Тинмай такрорланар шеър бўлиб шаънинг.  
Мени соғинтириб бу ерда жуда  
Олислар ортида яшайди танинг!

1980.

### ТУЯЛАР

Мусофир туялар юртин кўмсаса,  
У ёқдан бир хаёл қолса чақириб.  
Топаркан юртини бархан, қум оша,  
Ораси бўлса-да минглаб чақирим.

Бўтаси бош тортса юришдан агар  
Жўнаркан шу жойда шартта ўлдириб.  
Ўтга ҳам, сувга ҳам солмасдан назар  
Чарчашни билмаскан сира -  
Йўл юриб.

Йўк, йўк у адашмоқ нелигин сезмай  
Бораркан сахронинг ютиб ҳавосин.  
Уфқда серянтоқ расмини чизмай  
Чорларкан ўзига ватан овози.

Маили, юк кўтарсин юртин кафтида  
Ва тутсин тизгиндан бадҳовоқ сарбон.  
Ватан деб аталган чўлнинг тафтида  
Юрмоқлик тевага роҳату дармон.

Ёвшанлар, юлғунлар юмдалар шу зум,  
Танида қон қотган тиканлар муҳри.

Ҳар қандай оғриқнинг беркитиб кўзин  
Даволар шу олис тупроғин меҳри.

Ўзини ўйламас: фарзандкуш, қотил,  
Ўйинки йўл уза тутмагай мотам.  
У ўзи билмасдан ҳозир - ҳақ, одил,  
Кўзининг ўнгида тебранар Ватан.

Она ҳам шунчалар бемехрмикан?  
Йўқ, унинг бу қадар бағри эмас тош.  
Тева ҳам заррача чидолмас экан  
Юртидан бўтаси агар тортса бош!

1.05.83

### **ҚУМДАГИ ҚЎРҒОН**

Болакай, қўрғонинг бузиб кетди ким?  
Қўрғонинг ўрнида нағалли бир из.  
Уйингга кетсанг-чи, кун иссиқ ва дим,  
Саратон қумларни қовурар ёғсиз!

Қумларга расмини сен чизган офтоб  
Тепангда кулади, қилар масҳара.  
Зилдай из остида қўрғоннинг шу тоб  
Янчилган гавдаси тортади наъра!

Дарёнинг куй каби хушбўй салқини  
Ўзингга сурқалмас мисли юмшоқ ёл.  
Аламинг оқими,  
Кўзинг оқими  
Нағалли из бўйлаб югурар беҳол.

Нигоҳинг югурар изларни бўйлаб,  
Қасд олмоқ истайди қўлингдаги тош.  
Тош эмас, сен қаттиқ тишлаганда лаб  
Кўзларинг отади мунчоқ-мунчоқ ёш.

Қайтадан қўрғонни тиклагинг келмас,  
Кетасан уйингга эгилиб бошинг.

Муштрларинг ғазабдан ёзила билмас,  
Кўлингдан тушади қасоссиз тошинг!

Кўргонинг қотили кўринмас асло,  
Изларин шамоллар ялайди сархуш.  
Тинч ва ҳақ юрагинг бугундан аммо  
Нағалли изларга қилади уруш!

1981.

\*\*\*

Қирлар сенга кўринур кичик,  
Кичик тортар тоғлар ҳам жуда.  
Сен бу ҳолдан кетмайсан чўчиб.  
Шаҳарлар ҳам шунчаки тўда.

Булутоллар ҳам бир қора япроқ,  
Ер коптокча келмас, албатта.  
Бари кичик! Дунёда бироқ -  
Жиндай айбим баридан катта!

1981.

### **БАҲОР СОҒИНЧИ**

Қирлар сўзлар: Унутдинг, Назар!  
Унутдинг, дер яйловлар ёниб.  
Асрар мени кўйнида шаҳар,  
Унутмадим, мен сени жануб!

Чорвой чўпон "Ҳой, о, ҳойлари"  
Тўлдиргандек Минжир даштини.  
Юрагимнинг соҳилларига  
Урилади Қашқа тошқини.

Соғинчларим тоғлар мисоли  
Кенгликларга тўймайди боқиб.  
Офтоб - кўкнинг думалоқ соли  
Зангор сувда бормоқда оқиб.

Унутмадим, қишлоғим, сени,  
Асрар, ахир, кўйнида шаҳар.  
Бахт сингари қучмоқда мени:  
Дўстлар, шеърлар, оқбадан саҳар...

Севги қучди, қучди яшиллик,  
Баҳор қучди Тошкентни маҳкам,  
Илк севгим дилда яшар тик,  
Лабларимда қишлоқ номли таъм.

Гоҳо таъна тошларин отар  
Тақдирдаги севгисиз ХАТО.  
Ҳамдам бўлиб шеърларим қатор  
Севинч-сурур этади ато.

Унутмадим, мен сизни, қирлар,  
Яйловларим, унутмадим ҳеч.  
Кўклам қучган озод бағрингиз  
Тўлдирмоқда хаёлимни зич.

Майсаларнинг, елларнинг меҳри  
Ўтмоқдадир балки силашиб.  
Мактубларим қуёшнинг қилдай  
Нурларига борар илашиб.

Гала қушдай, уйғонган кўкда  
Қаҳ-қаҳ урар булутлар учиб.  
Хаёлларим ҳур баҳор каби  
Қишлоғимни яшайди қучиб!

1981.

### **СОМОН ЙЎЛИ**

Сомон йўли. Босилмайди бу йўлнинг чанги,  
Ухламайди ўтиб кетган карвонлар занги.

Киприklarим найзасига илинган осмон,  
Шу тиг билан ўртасидан тилинган осмон.

Юлдузлар-ку олов тўёқ тевалар изи,  
Кўзларимни очтирмайди чанглари тўзиб.

Юлдузларнинг ён-гирдида бўшлиқ хувуллар,  
Ютмоқ бўлиб бу саҳрода бўри увиллар.

Киприқларим найзасида инграйди осмон,  
Наҳ устимга қуламоқчи чексизлик шу он.

Сомон йўли сурат янглиғ қоқилган кўкка,  
Икки учи уфқларга санчилган тикка.

1981.

### **КАТТАЛАР**

Биз бердик ҳар қачон катталарга йўл,  
Ёши улугники уйларнинг тўри.  
Катталар узатди олдин бизга қўл,  
Оёқда тик қўймай келтирдик сўри.

Гурунгда тингладик уларни жимжит,  
Иززатин келтириб сузиб турдик чой.  
Кирмади димоққа ҳасад деган ҳид  
Уларга бўлганда: болиш, юмшоқ жой.

Уларнинг ҳурматин айладик бажо,  
Бизлардан олдинда юрдилар бешак.  
Ўзларин нуруний ўтмиш деб аммо  
Бизларни доимо билди келажак.

Катталар олдинда юрдилар дадил,  
Ортидан эргашди келажаги - биз.  
Олдинга ўтишга ҳеч қўймади йўл,  
Кексалик уларни қучди шубҳасиз.

Биз ўтмиш йўймадик ҳеч бирин сира,  
Йўлбошчи айладик келажак каби.  
Кунларни бизларга этган бокира  
Жангларда уларнинг жанговар сафи.

Дуч келса жим кўйдик кўксимизга қўл,  
Ҳар битта йўригин англадик зийрак.  
Эҳ, бериб ҳар қачон катталарга йўл  
Сафида қолдириб қўйибмиз сийрак!

Урушга киргандек бахтимиз учун  
Йўл бермай бизларга, ўлимга кирди.  
Ажалнинг ўқиға тутганча кўксин  
“Келажагин” асраб олдинда юрди.

Уларни аядик кўз қорасидек,  
Улар аямади ўзларин бизга.  
Олдинда йиқилиб жон берганда тек  
Ёш бўлиб илинди кўзларимизга.

Улар истамади қолмоқни кейин,  
Йўл бериб қўймади бизларга билмай.  
Йилларга, барибир, бўлмадик бўйин  
Тобутни тутқазиб, этса-да зилдай...

Биз бердик ҳар қачон катталарга йўл,  
Гурунгин тингладик жимжити хуштор.  
Олдига тушмоққа уриндик нуқул,  
Улар-чи ўтказмас,  
Улар-чи хушёр!

1981.

### **МИРКАРИМ ОСИМ**

Камтар вужуд. Қўлда асоси.  
Хаёлида Ўтрор қилар жанг.  
Олинмаган элнинг қасоси  
Солар унинг оромига чанг.

Сайхун эса ярадор илон,  
Жайхун - хандақ. Ёвга бўлар ғов.  
Чангалзорга қочар қуш, қулон,  
Чингиз сари... юрак бермас дов.

Чигатой дер: "Миркарим Осим,  
Холинг қалай, кўринурсан кам?  
Тўғри, олдим кўп жойни босиб,  
Яширмабсан мардлигимни ҳам!.."

1983

### **КЎЛИ ҚЎББОНДА**

Кўли Қўббон узра сузади қайиқ,  
Атрофда кузатар соқчи-қоялар.  
Куёш хандон отар сочлари ёйиқ,  
Қалтирар ях сувга тушган соялар.

Муздай сувга тушиб нурлар жунжикар,  
Совқотар кўлга ғарқ тоғлар сурати.  
Тоғларга осилиб турар Кунчиқар,  
Осмон кўл тубида титраб туради.

Бу совуқ оғушга қулашдан қўрқиб  
Тоғларга харсанглар баттар тирмашгай.  
Қочар қайиқлардан тўлқинлар ҳуркиб,  
Сочишиб кетади бош уриб тошга.

Сербаргак мажнунтол кокилларига  
Осилиб ўйнайди сувлар бетиним.  
Тегишиб гоҳ тошбанд соҳилларига  
Силлиқлаб ювади улар бетини.

-Назира, Сайёра, қани куйланглар,  
-Севара, Барнохон, ҳиндчадан бошланг?..  
Хилпирар шамолдан рангин куйлақлар,  
Ёшликка тўлдиргай унгури ёшлар.

Бу муздай бағирга қизлар солар кўл,  
Сачрайди севинчдан зилолнинг ашки.  
Оппоқ билақлардан бўса олса кўл  
Кўз олиб кетади йигитлар рашки.

Тоғлар тепасида талпинар қорлар,  
Сойларга айланган кўлларин чўзиб,

Дер: "Сизсиз йиғлаймиз, бахтли одамлар,  
Қаранг, ашкимизда юрибсиз сузиб!.."

Одамлар лутфидан бу маъво сулув,  
Кўл гўё тошлардан битилган сувдон.  
Тун пайти: юлдузлар ва ой ичар сув,  
Кундузи: сув ичар офтоб ундан.

1981.

\*\*\*

Сокин туйғуларинг қилар ғалаён,  
Қийналдинг, улуғвор ҳисларни сийлаб.  
Йўлингда, кўзингда бўлсам намоён  
Ёлғон қувончларни ўтасан куйлаб.

Сўнгсиз ғамларингни мендан яшириб  
Куласан, ҳамнишин дўстларинг билан.  
Аламлар кўксимга келар бош уриб,  
Ҳеч қасос олмайсан сўзларинг билан.

Ўзгалар қошида куласан бефарқ,  
Бегона нигоҳлар силар сочларинг.  
Сохта севинчларга булар гўё фарқ,  
Кипригингга қўнган қайғу ёшларинг.

Бировлар сўзлари қитиқлар кескин,  
Бировлар нигоҳи тўймай ўпади.  
Отелло сингари инграйман мискин,  
Қунлар ёнгинамдан бефарқ ўтади.

Англайман, атайин табассуминг - ўч,  
Интиқом - бу ёлғон бахтиёрлигинг.  
Не қилай, ўшандоқ келаверсам дуч  
Бахт билан тўлади гўё борлигинг?

Мисли ёмғир каби ёғилар кулгинг,  
Куласан устимдан. Пешонамда тер!

Сен кулиб устимдан бахтиёр бўлдинг,  
Ул оғир кулгингдан бўкчаяди Ер.

Қасослар оласан бесўз, беимо,  
Боқаман сочилган ҳушимни тўплаб.  
Вужудим қўлларим қалтирар аммо,  
Титроқлар тулқинин ичаман ҳўплаб.

Қошларинг - норавон тақдирга сўроқ,  
Излайман йўқотган кунлар нурини.  
Тушларимда тўйиб ичаман, бироқ,  
Кўзларингдан оққан сойлар шўрини!

1981.

### **ЭСКИ ШАҲАР**

Кранлар, бўйингиз бунчалар узун?  
Ҳавони серпайди темир панжангиз!  
...атрофни эгаллай бошлайди шу зум  
Бўйдор оқ бинолар тўсиқсиз, жангсиз.

Бу қуршов кучоғи қилади танглик,  
Кенглик Кўкалдошни кетади ташлаб.  
Кранлар олдинда саркарда янглиғ  
Яп-янги уйларни келади бошлаб.

Бинолар ортига ғарқ булар тоғлар,  
Ястанган далалар шўнғийди пастга.  
Барибир, ёғдулар тарк этмай ёғар,  
Салқин тун чўкади унутмай аста.

Осмон-мард! Ҳайиқмай баланд уйлардан  
Унинг тепасида турар эгилиб.  
Куёш-мард! Кенгликлар ҳидини ҳар дам  
Элтар бу шаҳарга машриқдан келиб.

Шамоллар - ёлғончи, шамоллар - қўрқоқ,  
Йўқлаб келмас бугун Эски шаҳарни.  
Баҳайбат "ғавда"лар пастқам уйларнинг  
Кўзидан беркитар оппоқ сахарни.

Нуроний шаҳарга бетон бинолар  
Кўрсатмас уфқнинг кўйлақларини.  
Атрофин зич ўраб томоша қилар  
Уларнинг торгина йўлақларини!

1981.

\* \* \*

Яшиллик йиғилган ариқ бўйига,  
Секин шивирлайди бийрон тошқини.  
Мен эса юрибман севги куйида,  
Кўкрак-юрагимнинг мангу тош кини.

Дарахатта суяндим фақат бир ўзим,  
Хотиралар оқар ариқдан гўё.  
Шамоллар супураб текис ер юзин,  
Коптоқдай ёрилар тап-таранг дунё.

Хиёнат қилди гоҳ бир хил дўстларим,  
Оғир кунларимда кетди бепарво.  
Бўғилди дунёга келган ҳисларим,  
Гоҳо соф виждонга етмади ҳаво.

Жоним, кипригингга кўнмадими нам,  
Киприқдай дарахтлар сойнинг посбони.  
Ёнимда сен камсан, баъзи дўстлар кам,  
Теппамда чўзилган Пискент осмони.

Топ-тоза оғушда ором сақлар жон,  
Тарк этдим ғийбатлар тўла ҳавони.  
Мана, бу ариқда оқмоқда ҳамон  
Дилдаги азобнинг чимдим давоми.

Одамлар деб ёндим, сўнгра олдим тин,  
Юрагим босмади тигдор мунглари.  
Сездиму дунёнинг ўткинчилигин  
Шеър билан тўлдирдим ўтган кунларни.

Юрагим эшигин ланг очиб ҳар чоқ  
Юпанмоқ бўлгандим, ҳайҳот, гўзалим,

Бошимга савдолар келтирди, бироқ,  
Ҳар кимга дил очиб айтган сўзларим.

Номимни минг асраб, гоҳ кўрдим қаро,  
Ўшанда чорасиз бездим дунёдан.  
Бугун соф нафасли далалар аро  
Шаҳардан беркиниб ташлайман қадам.

Хотиралар оқар ариқдан тинмай,  
Дўстлар деб ёндим мен, қаттиқ куйдим мен.  
Баъзида ҳеч бири қолса тушунмай  
Беларво дунёдан роса тўйдим мен.

Ўшанда умримга қўнди хазинлик,  
Кимсасиз жойларни истадим дилдан.  
Сен эса олиссан!.. Қаршимда кенглик,  
Мен учун ҳар бир кун туюлди қулдон.

Яшиллик йиғилар ариқ бўйига  
Қуриган сайҳонлик бағридан қочиб.  
Мен эса яшайман замин рўйига  
Кўксимда қийналган шеърларни сочиб!

1981.

### **НОМАЪЛУМ ОВОЗ**

Бир овоз узоқдан чалинди тунда,  
Қанақа овоз у? Эмасди илиқ.  
Нимадир кўксимни тирнади шунда,  
Номаълум товушда илтижо тўлиқ.

Яшашдан бўлди ё кимдир норози,  
Ўқ еди ё ўлжа ахтарган жонзод.  
Билмадим у овоз ненинг овози,  
Жон берди узоқроқ қилолмай фарёд.

Ногаҳон савдодан бирор шўрликнинг  
Қолди ё сўнг бошқа овози чиқмай.  
Шунингдек, бўлса-да атроф шунча кенг  
Шу товуш кўксимга қадалди ўқдай.

Қанақа овоз у? Тинч қўймас токи,  
Нега у этмоқда дилимни зада?  
Бевафо отасин ёд этиб ёки  
Гўдаги чинқирди илк бор деб "Ада!"

Қабристон томондан келдими садо?  
Билмадим, бу кимнинг мухтасар охи.  
Одилжон дўстимнинг овозими ё?  
Эҳтимол чақирди унинг арвохи.

Ўзга ёр васлини мен қилиб хаёл  
Ширин бир оғушда юрганимда жим,  
Ушбу хиёнатдан сен топиб завол  
Аламдан қичқирдинг ёки, илк севгим!

Минг битта номаълум номлар ўша чоқ  
Руҳимда чарх уриб қилмоқда парвоз.  
Фикримни банд этди, барибир, узоқ,  
Қайдандир чалинган шу қисқа овоз!

1981.

\*\*\*

Гуноҳкор атадим ўзимни ҳар чоқ,  
Яшадим номингга юқтирмасдан гард.  
Бедор борлигимни кемирди чарчоқ,  
Йўлимиз бир бўлмас, хануз бу йўл-фард.

Ўзимни койидим ноҳақдан шундай,  
Ҳақсизлик жисмимни ташлади тўлғаб.  
Исмингни ёд этсам, сен дединг шунда:  
-Кел, қўйгин, номимни юрмагин бўлғаб!

1981.

### **ТУВАҚДАГИ ГУЛ**

Ташқарида қушлар чарх уриб учар,  
Кўринар дарахтлар орасидан йўл.  
Осмонда булутлар карвони кучар,  
Ойнадан боқасан, тувақдаги гул!

Гулзорлар ичада оққан сувларни,  
Шабнамлар тукилар баргларидан дув.  
Кузатиб яшайсан ҳар кун уларни,  
Сенга-чи, сархумда келтиришар сув.

Куёшнинг нурларин ичмайсан тўйиб,  
Қаддингни тик тутар ватансиз тупроқ,  
Кўп қўллар бандларинг силайди сўйиб,  
Тинимсиз ўпади осиглик чироқ.

Тўйиб эркалолмас шамоллар бирров,  
Қилмоқчи бўлса гар қуюнлар зарда,  
Дераза қаноти беркилиб дарров  
Парча ташқарига тортилар парда.

Сени авайлайди ҳар ким беадад  
Баргларинг кўкликка гар турса тўлиб,  
Авайлар шохларинг емасин деб лат,  
Истамас шамоллар кетишин юлиб.

Совқотсанг, дераза қанотин ёпар,  
Оламинг уй ичи. Беш қўлдай таниш.  
Сен томон ошиқиб на ариқ чопар,  
Булбуллар ишқингда қилмайди хониш.

Исёнсиз фурсатлар улғайтар сени,  
Япроқлар ёзмагин офтоб кучидан.  
Совуқла курашиб ўлган гулларни  
Кузатиб қоласан уйнинг ичидан!

1981.

### **БЕГИМҚУЛ БОБОНИНГ АЙТГАНИ**

Ўғлим, супургини қўймагин суяб,  
Таёқлар узалиб ётсин ер узра.  
Ўшанда уларнинг орзуси рўёб,  
Ўшанда ҳар бир уй ғуссадан ўзга.

Ҳар битта нарсанинг бордир ўз қадри,  
Кунларнинг донасин яшаймиз ҳатлаб.

Супурги донг қотиб ухлаган пайти  
Жон ўғлим, устидан ўтмагин ҳатлаб.

Ҳаёт қутисида лиқ истиқомат,  
Азоб бор, қувонч бор баланд -пастада.  
Таёғу супурги - бу шодлик, омад,  
Улар ҳеч қолмасин оёқ остида.

Бош сўқмас ҳеч кимнинг нону ошига,  
Ҳар доим қувончу ғамингга шерик.  
Ғар кулфат тушдими инсон бошига  
Ўшандай кунларда улар турар тик!

1981.

\*\*\*

Кетяпсан, одамлар ўтар ёнингдан,  
Кетяпсан, улар гоҳ сезмай, сезиб.  
Энди сен яшайсан ҳаётда чиндан  
Назар деб аталган номлардан безиб.

Севгига хайрихоҳ туйғуларингни  
Бегуноҳ дилингда қиласан таъқиб.  
Тушга лиқ толебахш уйқуларингни  
Ташламоқ истайсан қоғоздай ёқиб.

Қай биров куйласа севги ҳақида  
Шу ёрқин куйларга туясан нафрат.  
Поёнсиз ғазабдан ўзинг ҳақ жуда,  
Бугун сен ўзингга этмайсан шафқат.

Ғазаблар бағридан сен қазиб қабр.  
Шу тирик жисмимни ташлайсан кўмиб.  
"Севаман!" сўзига қилолмай сабр  
Кетаяпсан ёруғда кўзларинг юмиб.

Севаман, деб кучган умримни охир  
Ўзингдан ҳайдадинг туюлмади яқин.

Номим ҳам тилингни этмоқда тахир,  
Ловуллаб ёнгуачи дилингда салқин.

Бировлар гуноҳин ҳукми чиқиб ҳақ  
Ишончинг устидан ташлади чизиб.  
Энди сен яшайсан ҳаётда чиндан  
Назар деб аталган номлардан безиб!

1981.

### **ОНАМГА МАКТУБ**

Тўлиб турар эди уйимиз, она,  
Тўполон қилсак гар койирдинг бизни.  
Бошимиз силардинг зум ўтмай яна,  
Истардинг, ахир, тез ўсишимизни!

Бўй чўздик кун сайин офтобга қараб,  
Бундай сушт улғайиш сенга эди кам.  
Ва бир кун кўнглингни қучди шавқ, шараф,  
Аввало улғайди энг катта опам.

Сен эса қувондинг бу бахтдан чексиз,  
Биринчи улғайиш келтирди севинч.  
Ва лек ҳасадгўй совчилар, эсиз,  
Бу бахтни қўймади ўз ҳолига тинч.

Илк орзунг - тантана бошланди тезда,  
Бизни ташлаб кетди опам улғайиб.  
Опамсиз уйда сен кўниккан кезде  
Кичиги улғайди сочларин ёйиб.

Зум ўтмай тўй бўлиб кичик опам ҳам  
Қолдирди бу тўлиқ уй ичини бўш.  
Уларни соғиниб кўзга олдинг нам,  
Сени кўп чўчитиб қўйди улғайиш.

Қанотинг остидан олис шаҳарга  
Бир куни улғайиб мен кетдим учиб.

Укамлар ҳам учди узоқ ёқларга  
Бу хил улғайишдан қолсанг ҳам чўчиб.

Энди соғинамиз дил тортиб хира,  
Баъзан улғайишни айблаб баримиз.  
Учрашар сен билан бизлардан кўра  
Кўпроқ биз жўнатган мактубларимиз.

Йўналур биз сари зафарлар изми,  
Гоҳо кўп ютуқ ҳам тегади ғашга.  
Улғайиш чорлади дийдорга бизни,  
Ва лекин йўл қўймас бирга яшашга.

Хаёллар уйида учрашиб бирга,  
Гоҳ паноҳ топамиз тунги тушлардан.  
Меҳримиз айтамыз бир-биримизга  
Бекиниб бешафқат улғайишлардан!

1981.

\*\*\*

Кўксингда бўм-бўшлик. Яшайсан бефарқ,  
Юраксиз зерикар сендаги бағир.  
Ҳаётсиз оғушга бўлаяпсан ғарқ,  
Чунки бу бўм-бўшлиқ харсангдай оғир.

Ғуссалар чўқади кўзинг тубига,  
Сочларинг - елканга осилган ғуж дуд.  
Дунёга парвосиз яшайсан нега,  
Мени хўп ёндирган, эй ҳиссиз вужуд?

Тош каби улоқтир ул бўм-бўшликни,  
Нурларга осилган қўлни қийса ҳам.  
Тўйиб ўп, нақадар тип-тиниқ кўкни,  
Аслида гўзаллик бу оламда жам.

Барибир, яшайсан атрофга бефарқ,  
Кўксингда мен йўқман, йўқ марҳум юрак.  
Билмайсан, қайларга чўқди ғарбу шарқ,  
Топмоқчи бўлаяпсан ё излаб, сўраб.

Фақат ён-верингда битта фасл-куз,  
Куз бунча севади сени, айт, нечун?  
Бўм-бўшлик димиқиб, бўғилар ҳадсиз  
Кўксингдан ҳавога чиқмоқлик учун.

Йиртасан мен битган мактубларни жим,  
Йиртилар ундаги муаттар дунё.  
Кераксиз қоғоздай ўйларинг ғижим,  
Кўлларинг - Аму, Сир. Яъни жуфт дарё.

Қисматинг йўллари оқмоқдадир тоқ,  
Аёвсиз жуфтликни олмай сира тан.  
Энди сен лутфимдан билиб улуғроқ  
Яшаяпсан, шу ҳиссиз бўм-бўшлиқ билан!

1981.

### **ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ**

Тиниш белгилари, сиз на гап, на сўз,  
Ҳатто бор эмассиз алфавитларда.  
Аммо кўп келамиз сизга юзма-юз  
Ҳар битта китобда, иншо, хатларда.

Гоҳ қитмир жумлалар узаймоқ бўлса  
Бир кичик нуқта ҳам қўяр тўхтатиб.  
Қаламлар қоғоздан олган пайт бўса,  
Сиз ҳам туғиласиз илдиз-барг отиб.

Жумлалар чарчоқдан уф тортса узун  
Оқ бекат бўлади ҳилолваш вергул.  
Бақироқ сўзларни тўхтатмоқ учун  
Мансабдор, тик Ундов жуда келар қўл.

Камтар, пок гапларга шарми хушомад?  
Уларни эгилиб тўхтатар сўроқ.  
Қавслар ичида сўзлар ростлар қад,  
Уйқудан турмовчи Тире - бу фироқ!

Бўлмаган сингари алфавитларда  
Қизгин гурунгларида ҳеч ўрнингиз йўқ,

Сизларни ўрганиб улкан шаҳарда  
Кўплаб фан номзоди бугун яшар тўқ!

Хув анов ёш йигит қайтар боши ҳам,  
Олий даргоҳ меҳрин этмади ато.  
Иншонинг ҳар сўзин у ёзиб бекам  
Уч-тўртта вергулдан қилибди хато.

Гоҳ кескин олмоқда норозилик тус,  
Исёнлар бўлмоқда бугун сиз сари.  
Шеърдан ҳайдади билиб дахлсиз  
Ҳаттоки забондош турк шоирлари!

Сўзларга таяниб қурмоқдасиз кун  
Китоблар бағрида бўлиб олиб жам.  
Сизга жой бермади оқибат бугун  
Сарбаст шеърларидан Рауф Парфи ҳам.

Агар шеър ўқисак кенг давраларда  
Атайин бекиниб турасиз элдан.  
Ойнаи жаҳон ва радиода ҳар дам  
Қоғозда борсизу тушасиз тилдан.

Айтилган қўшиққа бўлолмай йўлдош  
Билинмай қолмоқда "Тирноқлар" ўрни.  
Эҳ, охир ошиқлар кўтармоқда бош  
Билолмай Уч Нуқта яширган сирни...

Тиниш белгилари, ҳар бир ёзувда  
Тонмаймиз, камтарин хизматингиз бор.  
Не учун сизларни оқизмоқ сувда?  
Ҳар хил исёнларга эмасман иқрор!

Сезаман хатларда тафтингиз кучин,  
Қаламлар ёзган пайт олади ёдга.  
Ўхшайсиз: жон чекиб одамлар учун  
Номлари тилларга тушмаган зотга!

1981.

## **СЕН ҚАЙТМАСАНГ**

Нетай, сен қайтмасанг, бошқа чорам йўқ,  
Биламан, бефойда ҳамма кечирим.  
Тилагим: севгидан, бахтдан яша тўқ,  
Мен ўтай кунларни ёлғиз кечириб.

Биз юрган йўлаклар энди соғинсин,  
Бахтиёр изимиз, майли, қолсин тоқ.  
Мовий осмонга ҳам тунранг доғ инсин,  
Не дейин, ўзингни сен тутгач йироқ?

Ўлимдан нақадар оғир бўлса-да  
Эгандим йигитлик гуруримни тек.  
Баридан, баридан бўлмади фойда,  
Қўйганман энди бор умидларга чек!

Сен мени билмогинг экан кўп қийин,  
Хўрландим. Ҳаммасин туттайман маъзур.  
Соғиниб яшайман, барибир, кейин,  
Видолар айтурман, на чора ҳозир!

Агар сен қайтмасанг бўлмайин тўсиқ,  
Ўзгага йўл олсанг, бахтга бўл эга.  
...Кўзёшлар, дунёмни қўйдингиз тўсиб,  
Билмайман, бунақа қияпсиз, нега?

1981.

## **САЙЕҲ ПОЙТАХТ**

Улан -Батор ҳар йили 4-5 см экваторга  
силжимоқда. **Тақвимдан.**

Ана, Улан-Батор бормоқда сузиб  
Энг улкан кемадай жанубга томон.  
Наҳот, ўтиб кетар сарҳадни бузиб,  
Пойтахтсиз қолами сўнг Мўғулистон?

Яйловлар кузатиб қолами ортдан?  
Куёшнинг остида яшаш асли бахт.  
Ё безиб шимоллик совуғу қордан  
Иссиққа йўл олди бу азим пойтахт.

Йўлида ютоққан сўнгсиз дашти Чин,  
Қуюнлар фарқ этгай чайқалиб, тошиб.  
Ҳимолай - тош қотган баҳайбат тўлқин,  
Қандай ўтар унинг устидан ошиб?

Бу пойтахт шашқатор турналар мисол  
Иссиқ ўлкаларга йўл олди чиндан.  
Ердаги кемага ҳамма боқар лол,  
Бу кема чиқмоқда қадимий киндан.

Жилмаяр оламнинг пойтахти - қуёш,  
Заминни кузатиб мовий хотирдан.  
Ушбу кун хурсанддир ўзига ўхшаш  
Сайрга йўл олган Улан-Ботирдан.

Сузмоқда қирларга шаҳар туртиниб,  
Кўксида мўғуллар овозин ранги.  
Бу пойтахт тарк этар, наҳот, юртини?!  
Қуюнлар қадимий тупроқнинг занги.

Менинг ҳаётимнинг пойтахти - юрак  
Гоҳида бўғзимга келади сузиб.  
Аммо вужудимдан кетолмас йироқ,  
Кетолмас умримнинг сарҳадин бузиб!

Ҳаёт мақсадларга кўмди умримни,  
Тўхтовсиз чарчоқлар тўлови тердир.  
Куралар сахнида кўмсайман кимни  
Барча мақсадимни пойтахти шеърдир.

Тошкент сузиб борар келажак сари,  
Ёпишиб вужуди - Ўзбекистонга.  
У қадим кучоқдан кетолмас нари,  
Дуч келар: кечага, кундузга, тонгга.

Бутун юксакликнинг пойтахти тоғлар  
Гулгун даврасида Тошкент чўзар бўй.  
Уни ром этолмас сокин узоқлар  
Ерида берса-да зилзилалар рўй.

Замин сузиб борар пинҳон из бўйлаб,  
У тўртбурчак эмас, думалоқ шеърдир.  
Ҳаёт биздан кетмас ёт жойни қуйлаб  
Ҳаётнинг қадимий пойтахти - Ердир!

### **КЎМИЛГАН ЁЗУВЛАР**

*Шаҳрисабзнинг Фелон қишлоғидан топилган  
қабртошларидаги ёзувлар ҳеч бир лат емас-  
дан турибди экан.*

Одатда ўлганлар кўмилар мудом,  
Жим мотам тутади шунда ёш-қари.  
Ёлғизлик, совуқдан кўрқибми бу дам  
Тупроққа кирибди қабр тошлари.

Марҳумдек кўмилган ёзувлар, ёраб,  
Серҳазм тупроқда кетмабди чириб.  
Кўрганлар ишонмас мрамарга қараб,  
Арабий ёзувнинг ҳаммаси тирик!

Шарқ хиди гуркирар мрамар тошлардан,  
Кафтида ёзувлар адо бўлмабди.  
Калхатдек булутлар тўккан ёшлардан  
Хайрият, мусиқий бу хид ўлмабди!

Мана, димоғимга урилар шу бўй,  
Дилимдан қувилар ҳар қандай гашлик.  
Ногаҳон мўъжиза берган каби рўй  
Ҳидлайман, бунчалар хушбўйсан, машриқ!

Тошларда чувалиб ётибди шундоқ  
Шарқ тинглаб урганган арузий ҳасрат.  
Минг битта низо-ю ёвлардан бироқ  
Машриқни ер бағри қолибди асраб.

Охир бўй кўрсатди ёруғ жаҳонга  
Кўмилган ёзувнинг бор умидлари.  
Фелондан таралур бугун ҳар ёнга  
Она ер асраган Шарқнинг ҳидлари!

1981.

### **СОЯЛАР**

Турнасаф дарахтлар ортидан сассиз  
Соялар бекиниб турар қуёшдан.  
Босиб ўтолмасдан ғуж-ғуж сояни  
Ёғдулар бир ҳатлаб устидан ошган.

Деворлар ортида улкан кўланка,  
Бўй чўзиб кўрмоқчи бўлади офтоб.  
Соялар ёпишган ўту ўланга  
Қуёшнинг кўзига беролмасдан тоб.

Форларга бекиниб ётар кўлкалар,  
Ётади соқолу сочлари ўсиқ.  
Билдирмай ёнидан аста жой солар  
Қайдаки қоматин тикласа тўсиқ.

Барча мавжудотнинг гуноҳларидир  
Ҳар битта паноҳда кун кўрган соя.  
Қирдик жонзодларни, кесдик ўрмонни  
Кўлкалар топмади аммо ниҳоя.

Бекиндек соядан қутилмоқ учун,  
Мозор бўлолмади ўр-чоҳларимиз.  
Куёшнинг кўзига чиққан пайт лекин  
Орқадан эргашди гуноҳларимиз.

Булутлар яширди айбларимизни,  
Балчиғу лойларда ҳолдан тоямиз.  
Ёмғирлар савалаб қувганда бизни  
Қайдадир қаҳ-қаҳа урди соямиз!

Гоҳ дўндик муаллиқ Каъба тошига,  
Ёлвордик беаёв кўзларни ёшлаб.  
Гуноҳдай эргашган ўз кўлкамизни  
Бироқ келолмадик у ерга ташлаб!

Шунчалар покмикан шул санги Каъба?  
Умикан софликнинг танҳо қояси?  
Бу тошнинг беҳисоб ҳиммати ё  
Пинжига тиқилиб олган сояси!

Ўз лошини излайди қадимий ҳаво,  
Дудларга қоришиқ кўрар баъзида.  
Бировлар шоирлик қилади даъво  
Бўй чўзиб кимнингдир кўланкасида.

Шамоллар излайди ўз соясини,  
Гоҳида чангларга турар қоришиб.  
Кўлкасин кўрмоқчи бўлганда куёш  
Ҳамма жой соясиза турар ёришиб.

Соясиз нурлардай оқади ҳислар,  
Яшамоқ севгиси ҳар кун бергай юз.  
Беғубор ҳисларга баъзи пайт, дўстлар,  
Кўлага ташлайди бир ножўя Сўз.

Гоҳи-гоҳ тутилар тиллавужуд ой,  
Даҳшат соясидан оқар қора тер.  
Ўшанда бир қултум вақтни бермай бой  
Айбларин сочамми ой юзига Ер!

Күёш тутилган пайт отилиб саси  
Тангри таъб жуссалар кетар кўкариб.  
Бу нафас ул ойнинг гуноҳ-лошини  
Шўрлик Ер кифтида қолар кўтариб.

Даврдош ҳаётни бир сас оралар,  
Мозийдан қичқирар андуҳ ўлкаси.  
Юртларнинг кўксида қотган наъралар  
Чингизнинг бу, ахир, қора кўлкаси?!

Боқийдир табиат яратган қонун,  
Бир юрт бор чайқалур дунё дастида.  
Бу сенсан, эй танти, Ўзбекистоним,  
Бўй чўзар турли эл соянг остида!

Нуроний мангулик хонадонида  
Яхшилик, ёмонлик туйғулари жам.  
Фақат бу дунёнинг жомадонида  
Севинчнинг қоп-қора соясиدير ғам!

\*\*\*

Бировлар ўртага сўқилди, не тонг,  
Шунда ҳам уларни дўст деб атадик.  
Ҳануз зирқирайди кўнгил, виждон, онг,  
Билмайман, кимлардан ўтди хатолик.

Кўрдик бор гуноҳни бир-биримиздан,  
Ўртага сўқилди айрилиқ охир.  
Толе юз ўгирди оқибат биздан,  
Наҳотки, бечигал яшамоқ оғир!

Хаёлга келмади гуноҳи ҳатто  
Ўртага сўқилган сохта дўстларнинг.  
Аслида ўшалар қилди-ку хато,  
Бешафқат аюрди бугун бизларни.

Бировлар бахтига чанг солмоқ нечун?  
Биз одил ҳаётга боққандик кулиб.

Энг оғир дард-нафрат бўлди сен учун  
Айтмаган гапларим айтилган бўлиб.

Чанг солди бахтимга худо берган рашк,  
Мен энди тилайман ўзимга ўлим.  
Қонталаш уфқлар туюлади гаш,  
Тушкунлик кун сайин кўринар сўлим.

Сезяпман, исмсиз тушкунлик кучин,  
Қон каби сингмоқда юрак қатига.  
Йўқ, тақлид қилмадим шоирлик учун  
Абдулла Орифнинг шеъриятига.

Хатолик бўлди-ку азизларимнинг  
Мен учун бахт деган "орзу-ҳаваси".  
Дунёдан совуган дил-ҳисларимнинг  
Ногаҳон топгандим сендан давосин.

Сен сабаб мен беҳад қолгандим севиб  
Ҳаёт ва муҳаббат деган номларни.  
Наҳотки, васлингдан юбординг қувиб  
Совға деб садақа этдинг ғамларни!

Сен ўзинг ёритган истиқболимга  
На чора, ёприлиб тўшаётир кеч.  
Жавоб бер, гуноҳкор демадик нега  
Ўртага сўқилган кимсаларни ҳеч!

1982.

### **ЧИМЁН ҚОРИ**

Қиш, сени Чимёндан топдик ниҳоят,  
Тоғларда юрибсан оҳудай қочиб.  
Исинар оқ лўстин кийиб, ҳу, қоя.  
Булутлар зерикмас қорларни сочиб.

Соғинган оёқлар қорларни кечар,  
Тип-тиниқ ҳавога чўмилар асаб.  
Биз отган яхмалак қизларга учар,  
Қўлларни юпатдик қорбобо ясаб.

Чанғилар юлқинар асов от янглиғ,  
Сўнг пойга қуйишар ўнг ва сўл оёқ.  
Қиш, сенга кенгликлар қилдими танглик?  
Йўқ, сени қилмаган Тошкент шахри оқ!

Телефон симлари яланғоч, юпун,  
Пўстинсиз қалтирар сал турса совуқ.  
Бу бўйдор бинолар бошыланг букун,  
Буготлар лабида сумалаклар йўқ.

Адирлар кифтида чанғилар сўзи,  
Сархушдир чанғилар Чимённи сўраб.  
Қор билан асфальтнинг ўчирсанг тўсин  
Ўжар бульдозерлар ташлайди кураб.

Мана, қор инқиллар, оғир кулади,  
Тоб бермай топтаган оёқ кучига.  
Исинмоқ бўлади, кирмоқ бўлади  
Ёз фаслин бекитган этик ичига.

Қийқирик тўлдиргай Чимён кучоғин,  
Ҳаммадан анқийди Тошкентнинг иси.  
Чаналарда учар энг мурғак соғинч,  
Қорларга сачраган шаҳарнинг изи.

Муштоқ далаларга, эй қиш, ташриф эт,  
Паноҳ бўл, сочилган шигил донига.  
Тупроққа чўкмасдан донлар кетма-кет  
Чўкмоқда қушларнинг жигилдонига!

Этиklar қўмсайди оёғимизни,  
Қорларни соғиниб қуриди тинка.  
Тинимсиз масхара қилади бизни  
Ҳали ечилмаган ёзги ботинка.

Қарагин, бизни ҳам Чимён бағридан  
Шаҳарга қувмоқда тушаётган шом.  
Ўзинг бор қишлоғу далалар томон,  
Биз сендан уларга айтайлик салом!

1982.

## **АРМОН**

Қай бири дурустроқ қолдирмаса из  
Бемисол армондир қайтмас дамлари  
Вақтни тўхтатолмас қанча чўксин тиз,  
Уринсин, барибир, тўлмас камлари.

Ҳеч қандай қоғозда эмасдир эълон  
Ҳаётнинг мукамал қонун, фармони.  
Яшашда қолмаса оқибат, имон,  
Бўлар бу виждонли каслар армони.

Ҳар кимнинг умрини тилаймиз пойдор,  
Беморнинг уйида не бор, биламиз.  
Бир йигит ҳаётдан эрта кетса гар  
Увол кунларига армон қиламиз.

Бордир ҳар элатнинг суюк сарбони,  
Инсонни нур, ёмғир, гоҳо қор тоблар.  
Улуғвор бир халқнинг улуғ армони  
Қодирий ёзмасдан кетган китоблар.

Дейлик, бир турмушдан кетиб бахт, омад,  
Ажралса эр-хотин бўлмай тўзимиз.  
Армонда қолмасми бегуноҳ фарзанд  
Бир умр айтолмай "Ота" сўзини.

Йигит-қиз недандир аразлаб мутлоқ,  
Берса ўз севгисин оёғига чил.  
Бўлар-ку пушмони - совчига муштоқ  
Ўтириб қолган қиз армонидай зил!

Танқиду гапларга парво қилмай ҳеч  
Шеър ёзса қай биров топмоқ учун шон.  
Не бўлар ўзини пайқаб қолса кеч?  
Ўшанда айбдорми кеч келган армон?

Ноҳаққа ҳақлигин этолмай исбот  
Кимлардир назардан қолади нари.  
Инсонга беқиёс армондир, ҳайҳот,  
Вақтида кечиккан орзунинг бари!

23.11.83

### **СИМ ЙЎЛЛАР**

Сим йўллар оқади мудом ёнма-ён,  
Саф тортган ёғочлар уларга бекат.  
Пастида ер - қирғоқ, устида - осмон,  
Пойида бўй чўзар ҳар битта кўкат.

Ҳавода муаллақ бу сим йўллардан  
Эрта-кеч бетиним сўзлар қатнайди.  
Жим қалқиб ўтади дарё, кўллардан,  
Шуълага урилиб гоҳо чатнайди.

Соғинчлар қатнови тинмайди сира,  
Телефон тилидан оласан ўқиб.  
Илондай судралган ҳасратлар эса  
Ўша сим излардан кетмагай чиқиб.

Муҳаббат шарҳлари ҳайқириб оқар,  
Оқизмай етказар сўзлар қувури.  
Бир муюш ногаҳон дуч келса агар  
Симлардан четламас лаблар шивир.

Сим издан четламас юрак сирлари,  
Шамоллар ҳар ёнга юбормас сочиб.  
Мабодо қиздирса қуёш нурлари  
Елпийди хушсоя дарахтлар сочи.

Жўнар ҳар манзилга икки сим ёндош,  
Оқади бу роҳдан қуввату сўзлар.  
Икки йўл қўшолмас бир нуқтада бош,  
Уларнинг васлисиз ҳар хона музлар.

Чироқлар иккисин йўлин қушади,  
Жиринглар уларни қушиб телефон.  
Ҳаводир - муаллақ симлар тўшаги,  
Пойида - ер қирғоқ, устида - осмон.

Жуфт симлар узатса бир-бирига қўл,  
Ўртада ўт чақнар, гапирар сўзлар.  
Асримда тикланиб ўша икки йўл  
Бу қалбдан у қалбга тинмай йўл излар.

Сим йўллар яралиб хона, уйларни  
Тарк этди уйларни дудфеъл жинчиروق.  
Гўё остонангни шундоқ бўйлади  
Бўлса бир-бирига қайси кент йироқ!

Чопарлар от қўйиб ўтган йўлларда  
Узун тун, кунларнинг ялқов тўзони.  
Уловни билмайди бизнинг йилларда,  
Минг тилни оқизган сўзлар ўзани!

Изғирин музлатган шу роҳ найида  
Совқотмас юракнинг иссиқ сўзлари.  
Ер-кўкка тегмаган симлар сойида  
Қувончлар ҳайқирди, ғамлар бўзлади.

Бу жуфт сим - асримнинг қонтомиридик,  
Ток ва сўз оқими - қонидир яъни.  
Жойидан роботдай қўзғалар ҳозир,  
Ҳайикмай боссангиз сирли тугмани!..

1981.

\* \* \*

Сира тинчимадим тириклик аро,  
Ҳаёт улоқтирди қирғоқларига.  
Мен учун топилур доим можаро,  
Ва жавоб бермоқ шарт сўроқларига.

Не қилай, тирикман, тириклик - уйим,  
Бул жойга дўст-ағёр келар ва кетар.  
Гоҳ кимдир кўрсатгай бир қитмир ўйин,  
Одамлар, бу уйга кирмоқлик, етар!

Кўзимга ташланар боқий уй - қабр,  
(Эй Назар, яшаб қол, ўлиш қочмайди!)  
Унда бир кас ётар хотиржам, собир,  
Лекин у ҳеч кимга эшик очмайди!

### **ХАТОЛАРИМ**

Мен хато қилмоққа маҳкумман, гулим,  
Юз буриб ишончим йўлақларидан.  
Рашк деган саҳрога тушаркан йўлим  
Қизғониб яшайман кўйлақларингдан.

Рўмолинг сочингни босар бағрига,  
Рўмолинг ҳидлайди сочингни тўйиб.  
Чидолмай фироғу рашкнинг захрига  
Мен хато қиламан ўртаниб, қуйиб.

Кучоқлар тунлари чойшаблар сени,  
Юзингга юзларин кўяди болиш.  
Рашк этсам кечирмай қийнайсан мени,  
Кечир деб шеърларим сўнг қилгай нолиш.

Ҳирс билан ўпганда ўткинчи кўзлар,  
Не қилай, қизғониб қиламан хато.  
Сен эса тушунмай этгайсан мустар,  
Мен эса тушуниб бўламан адо.

Пайқамай сериялич садоларимни  
Шамоллар ўйнашар сочингга тегиб.  
Тан олмай шунда бор хатоларимни  
Ангатким келади сенга бош эгиб.

“Қарагин, жонгинам, сен қандай сўлим...”  
Шеър билан ўзимга таскин бераман.  
Барига бепарво бўлсанг, эй гулим,  
Мен тинмай хатолар қилавераман!

24.10.82

### **НИДО**

Қисматим бўйнига ташлагансан ип,  
Ғазабинг ўтидан қоврилар таним.  
Қочаман сендаги ёнғиндан қўрқиб,  
Қўйгин, ўз ҳолимга, эй севмаганим!

Кўзимда чинқирар есир муҳаббат,  
Қўл чўзсам ҳуркитдинг мен севган бахтни.  
Сенга эш тақдирни ҳар гал этдим рад,  
Сен эса рад этдинг мендаги аҳдни.

Орада жар каби хувуллар тўрт йил,  
Мен учун бахтсизлик ташувчи ўйсан.  
Серёғду кунларга очмоқ бўлсам дил  
Сен мени ёр дейсан,  
Фарзанд бор дейсан!

Кетаман, барибир, топмайман нажот,  
Ортимдан дўст йиғлар, қулади ғаним.  
Ғавғолар зуғмидан яшайин озод,  
Ҳоқонсан, шафқат қил, эй севмаганим?!

Чап бериб неча бор ўз қисматимга  
Чарчадим.  
Толиқдим.  
Керак ҳаловат!!  
Ахир, ранг чапладим соф хислатимга,  
Сен боис бошимда ҳадсиз маломат!

Ишончлар чил-чилдир сен отган тошдан,  
Узилган умидим ётар чувалиб.

Йўқ, юпанч топмадим кўздаги ёшдан,  
Толесиз этишда сен доим ғолиб!

Қисматим бўйнидан арғамчингни, ол,  
Жон берган севгимга мотам этайин.  
Йўлингни ҳар қачон кўрганман малол  
Қўйгин, бу ёғига ўзим кетайин!

### **ТАРҒИЛ СИГИР БАЛЛАДАСИ**

Не бўлди-ю қолди ўлиб  
Тарғилимиз боласи.  
Яширдик биз онасининг  
Тинсин дея ноласи.

Ҳар дамгидай келди шошиб  
Тарғил пода олдида.  
Ҳаммамиз жим. Нетсак экан?  
Қотган эди бош жуда.

Онам шу кун тарғил томон  
Челак билан бормади.  
Ҳаммамизни ғамнинг туни  
Ўзи сари чорлади.

Ботар эди тоқатсизлик  
Тиғдай тарғил танига.  
Ҳайрон эди онамнинг ҳам  
Чопиб бормаганига.

Тарс ёрилай дер елини  
Сути сизиб оқарди.  
Ҳаммамизга: "Болам, қани?"  
Деб ёлвориб боқарди.

Илож бўлмай чиқардик сўнг  
Уйдан бузоқ терисин.

О, ўшанда тош дунёнинг  
Бағри қандоқ эрисин!

Шўрлик тинмай ялар эди  
Тирқиарди кўз ёши.  
Боқмоққа ҳеч кимнинг шу чоқ,  
Қолмаганди бардоши.

Чидолмасдан уйга қўймай  
Киритдик ҳўл терини.  
(Дунё эса тепамизда  
Боқар эди эриниб).

Шу тун бизнинг кўзимизга  
Қуюлмади уйқу ҳам.  
Шу тун бизнинг кўксимизда  
Ўрмалади тинмай гам.

Мўнграр эди шўрлик ҳадеб  
Жилмай эшик ёнидан.  
Сўрар ёниб боласини  
Кечиб жаҳон, жонидан.

Гўё дерди "Қани болам,  
Уни нима қилдинглар?!  
Шунча гамни эгам бўлиб  
Наҳот раво билдинглар?!"

Даштга эркин чиқардим-ку,  
Сизга ҳар кун ишониб.  
Наҳот, болам дийдорига  
Боқолмасам ҳеч қониб?!"

Сал ўтмасдан шўрлик она  
Озиб-тўзди нечоғлик.  
Борлиғига мусибатлар  
Санчиларди пичоғдек.

Хивич олиб отам маъюс  
Яйлов томон ҳайдарди.  
Фурсат ўтмай уйга тагин  
Мушфиқ тарғил қайтарди.

Ҳайдар эдим бағрим эзиб  
Уни даштга ўзим ҳам.  
Ёшлар эса сел сингари  
Қуюларди кўзимдан.

Чидай олмай бўйнидан сўнг  
Кучоқлардим осилиб.  
Дердим йиғлаб: "Жон тарғилим,  
Юрсин кўнглинг ёзилиб!

Жон, тарғилим, ўзи ўлди  
Ўлдирмадик болангни.  
Жон, тарғилим, йиғламагин  
Титратиб сен оламни!

Зумда қолдинг чўпдай қуриб  
Ея қолгин териб ўт.  
Ўртанмагин, бунча, майли,  
Бермасанг ҳам бизга сўт?!"

Йиллар ўтди. Кўз ўнгимдан  
Кетмас ўша манзара.  
Тушган пайти тарғил эсга  
Бехос тортар дил наъра.

Ҳануз шу ғам тўзонлари  
Кетмади ҳеч босилиб.  
Болалигим ҳануз йиғлар  
Тарғилимга осилиб!

5.05.79

## **9 ФЕВРАЛ. НАВОИЙ КЎЧАСИ**

Навоий кўчаси автоларга гарқ,  
Уйларга урилар ҳаракат мавжи.  
Этар қай бир қават деразасин тарк  
Ажнабий куйларнинг ажнабий авжи.

Одамлар оқади йўлақлар бўйлаб,  
Бинолар гўёки соҳилда қатор.  
Кўзлари овозсиз маёқдай сўзлаб  
Қоида ўргатар хув Светафор.

Бунда пайдо бўлар иккита отлиқ,  
Тўхтатар янглишиб милиционер.  
Кўрганлар кўзига ҳайрат тулар лиқ.  
Гўё ҳамма бирдан ўтмишни танир.

“Мумкинмас, кўчадан отларда ўтмоқ!...”  
Қайтарар ортига кўча посбони.  
Ва лекин бағримга ингрокдай шу чоқ  
Отилиб киради ўтмиш замони.

Қаршимда безовта сулув Бойчибор,  
Бу ҳолдан кўксиди тоқати тугун.  
Ул тиниқ кўзига ташлайди ғубор  
Авлоди ортига қайтгани бугун.

Гар мендан бўлса-да осмондай йироқ,  
Ёришар эртакка чўмган хотирлар.  
Нечун сен жим турдинг, деб қилар сўроқ  
Тирилиб уч оға-ини ботирлар.

Гўё гуноҳқорман, очолмайман лаб,  
Мен сари бесабр юзланар бари.  
Таъналар отади “Чоргоҳ”дай инграб  
Шу олис ўтмишнинг масофалари!

Ўйларим кўтариб тояман ҳолдан,  
Қайгадир беркинар мендаги ҳузур,  
Аввало булардан беҳабар қолган  
Устод ҳайкалидан сўрайман узр!

Қасослар олганча ҳар учган қушдан  
Дашти Ироқ қумин титганда шамол,  
Алишер ёшлиги сирғалиб тушган  
Шу отнинг аждоди эди эҳтимол.

Бадарға этиб сўнг Абусаид шоҳ  
Ўтирган онда тахтига тиниб,  
Самарқанд сари йўл олган эди ё  
Навоий шу отнинг қавмини миниб.

Астробод сари қадамларининг  
Оҳангин торлари тортганда салқи,  
Шоирнинг йўлдаги аламларини  
Кўтарган от бўлиб чиқарди балки?

Жанжалу низога чек қўйиб у дам  
Ҳиротга қайтганда армони ариб,  
Шоирни сўнгги дам отнинг устидан  
Жон халқим қўйган-ку ерга кўтариб?!

Отларга ҳайратла боққан кимсалар  
Учун ҳам узрни сўрайман ҳатто.  
Кечиргин, кўчангдан иккита отлиқ  
Ўтолмай қолганди, Навоий бобо?!

Узр Қорабайир, шарқнинг пегаси,  
Биз миндик поезду самолётларга.  
Кўчани тўлдирса туёқлар саси  
Бироқ лол термулдик айғир, отларга!

1980

## **БЕКИНМАЧОҚ**

Чуқурликлар, деворлар орти  
Заб жой эди бекинмачоққа.  
Бўлиб олиб шунда тенг ёрти  
Ажралардик биз икки ёққа.

Бир-биримиз топардик излаб,  
Қувлашардик ҳаллослаб яна.  
"Рақиб"ларни сотмасди бизга  
Ўз бағрига яширган пана.

Сира парво қилмасдан шомга  
Бурчакларга бўлардик ғойиб.  
Тушиб ташвиш аталган домга  
Излар эди онамиз койиб.

Мафтун эдик йироқ-йирокқа,  
Ва дилларда орзулар тигиз.  
Ҳар кун қувноқ бекинмачоққа  
Дил берганди болалигимиз!

Раъй бермасдик дунё дардига,  
Бефарқ эди иссиғи, музи.  
Охир баланд йиллар ортига  
Болаликнинг беркинди ўзи.

Бир жиддийлик қучди дилларни,  
Яна тортди хаёлу ҳислар.  
Панасида қолди йилларнинг  
Бекинмачоқ ўйнаган дўстлар.

Олис шаҳар олди бағрига,  
Боқдим севги йўлига муштоқ  
Соғинтирди ўз дийдорига  
Кўзларимдан беркинган қишлоқ.

Тарқалишдик англагач ўзни,  
Кетдик бизлар ҳар ён бош уриб.  
Чўнг йироқлар бир-биримизни  
Деворлардай қўйди яшириб!

Қолдирганча ўзимни ёлғиз,  
Иқроқ бўлмай севги шартига.  
Жим беркинди толеи ол қиз  
Тоғ ҳайбатли фироқ ортига!

(Марҳум дўстим, айт, жимсан нега?  
Сени сўрар орзумиз ҳар гал!)  
Қаҳ-қаҳ урар ўз панасига  
Одилжонни беркитган ажал!

Кимдир менга кин, зарда сақлар,  
Кўзларида яширин таъна.  
Катталарбоп бекинмачоқлар  
Ўзи томон чорлади яна,

Дўстлар, сизни соғинган чоқда  
Соф ўйиннинг хаёли қийнар.  
Оҳ, бугунги бекинмачоқда  
Мен суймаган одамлар ўйнар!

### **РУҲСИЗЛИҚДА**

Мен бугун сизмадим ўз юрагимга,  
Зил куйдай оқаман ўзансиз, сойсиз.  
Мен бугун сизмадим ўз юрагимга  
Кувилган руҳимдай юрибман жойсиз.

Ёмғирлар савалар, куйдирар офтоб,  
Асабий мушукдай тирнайди аёз.  
Худди мен оламда аёвсиз қопток,  
Ҳасратлар терану қувончлар саёз.

Мен бугун сизмадим ўз юрагимга!  
Оқмадим бандида ҳайқириб қондай.  
Юрагим, бир кеча жой бергин менга,  
Кенг, сахий эдинг-ку Ўзбекистондай!

Бу гал ҳам юрагим қилмади қабул,  
Бағрига гуссалар сизади такрор.  
Мени ташқарида сўкиб, савар дўл:  
-Ташқаридан кетгин, ташқари ҳам тор!

Бўғотлар асролмас ўз паноҳида,  
Бўғотсиз йўл уза юраман дайдиб.  
Дилдираб, қалтираб яна оҳида  
Юрагим ёнига келаман қайтиб.

Ёлвора бошлайман:  
-Юрак раҳм қил,  
Гуссалар бағрингда ҳолимга кулар.  
Ўз она тилинг-ку мен сўзлаган тил,  
Бу тилга бемалол тушунсанг бўлар?!

Нега тушунмайсан? Кулоқ тут бирпас,  
Мен билан миллатдош зрурсан сен ҳам...  
Юрак қўзғалади жойидан бехос,  
Юрак лом-мим демай жўнайди илдам.

Ҳадсиз савалайди тагин ёмғир, қор,  
Фасллар аёвсиз дағдаға солгай.  
Муз бўлиб қотаман совуқдан зинҳор -  
Юрагим қўйнида исина олмай!

22.08.80

### уй

Деворлар турибди этмасдан қимир,  
Теппамдан эгилар мушфиқ осмон-шифт.  
Ҳадеб ўтаяпсан ёнимдан, умр,  
Бир дам ўз ҳолимга қўясанми? Уф-ф!...

Камтар уй кўксида мен - ёниқ юрак,  
Деворлар кафтида кўйганда сиқиб,  
Данконинг қалбидай шунда, эй кўкрак,  
Намхуш ташқарига кетаман чиқиб.

Ва менсиз қоласан ҳувиллаб, сен уй,  
Ўласан! Мурдангни қўймайди ҳеч ким.  
Шомгача юрагинг кўрсатмайди бўй,  
Қучоғинг нотавон қабр каби жим.

Қайтаман! Шеър ўқиб ҳайқиргум ортиқ,  
Кўксингни ёргудай бўламан чиндан.  
Уй! Охир арслондай бир наъра тортиб  
Узоқларга кетиб қоласан мендан.

Сен қочиб кетасан шеърларим билан,  
Қай қишлоқ кафтига қўнасан қушдай.  
“Омон яшаяпсанми сирларим билан?..”  
Мактублар ёзаман тугилиб муштдай.

“Омон яшаяпсанми, соддадил уйим?  
Мен эса излайман сен учун шавкат.  
Мабодо, ёнингда чўзганча бўйин  
Тўкмадими, айттин, қай бир уй савлат?”

Юрак бўлолмадим ўзга уйларга,  
Сени соғинаман. Сен - сахий, сара.  
Сендай қучоғини очолмади кўнг  
Мени кўп қарзларга қўйган ижара!”

... Номсиз қўл сочимни силайди секин,  
Қуёшнинг қўлларин ушлайман. Иссиқ!  
Ижарадош дўстим тўсатдан лекин  
Суюнчи сўрайди энтикиб, интиқ.

- Нима гап? Айта қол?!  
- Келибди уйинг!...

Эшикка отилиб чиқаман нурдай.  
"Гуноҳкор" уйимнинг дарчаларидан  
Кўз ашки думалаб тушарди дурдай.

Хаприқиб бағрига босади мени,  
Узрлар саҳнига сўнг келар бошлаб:  
-Энди шеър ўқисанг, ҳеч қачон сени  
Ижара уйларга кетмайман ташлаб!

17.09.80

### **КУЗ ЎЙЛАРИ**

*Н. ва Р.га*

Оёқлар остида типирлар хазон,  
Оёқлар остидан оғир ун чиқар.  
Муздай теваракка урилиб ёмон  
Нигоҳим жунжикар,  
Умрим жунжикар.

Сарғайган япроқдай қалтираб турар  
Умрим дарахтида йигирма олтим.  
Осмон турналарга лиммо-лим тўлар,  
Ҳорғин тизимидан сачрайди ёлқин.

Йигирма беш йилим излайди мени  
Йиқилиб йил деган бу асов отдан.  
Йигирма беш йилим унутдим сени,  
Хазонрез чеҳранг ҳам чиққандир ёддан!

Оёғим остида типирлар хазон,  
Оёқлар остида қолди йилларим.  
Яшаяпман. Кўҳна Шош пойимда ҳамон,  
Пойимда тўлғанар тоштан йўллари.

Бу тантиқ дил билан кимга бахш этай  
Йигирма олтимни устимдан ечиб.

Ўлимдан ҳайиқиб ҳар йили, нетай,  
Азиз йилларимдан боряпман кечиби!

Ўлимдан ҳайиқиб кечяпман осон  
Содиқ қололмасдан сенга, ёшлигим!  
Хазонлар хидидан сарғаяр жаҳон  
Унутиб ўзининг бағри тошлигин.

Сочлар қорасидан кечяпман аста,  
Ёшлик ҳаяжоним тортмоқда сийрак.  
Сендан кечолмасдан, йиллар кечяпман,  
Олиб ўтаяпман қирлардан, юрак!

Не қилай, борурман хазонлар босиб  
Чанқоқ ўйларимдай қовжирайди куз.  
Умрим, йўғон эдинг, боряпсан озиб,  
Ингичка тортурсан йил сайин, эсиз!

Йилларим, беаёв қияпман исроф,  
Одамлар пойига тўкилдингиз жим.  
Йилларим, оғриққа беряпсиз тоб  
Сизларни эзгилаб ўтганда ҳар ким?..

Юраклар тинчини қон каби суриб  
Оёқлар остида инграр йилларим.  
Қўлларим исинар киссамга кириб,  
Қўлларим - тўхтаган соат миллари...

5.11.80

### **ЕР ШАРИ**

Уммонлар, қитъалар осилган михга,  
Мих эса букчайиб кетгудайин то.  
Қизғиш хаританинг қўлу оёғи  
Деворга қоқилган мисоли Исо.

Муаллим ўргатар:  
“Замин думалоқ...”  
Ёшгина толиблар кузатар ерни  
Кузатар ер эмас,  
Чангалзордан нақ  
Тутиб келинган бир баҳайбат шерни.

“Глобус шу она курранинг шакли...”  
Юзларни қоплайди ҳайрату савол.  
Ҳўкиз ё кит эмас, ерни ҳар қалай,  
Кўтариб турарди оддий бир стол.

“Улкан ер ўхшайди ўз бошимизга...”  
Ташбеҳлар хаёлни тўлдирар осон.  
Сесканиб кетади жим тинглаётиб  
Негадир бош каби думалоқ жаҳон.

Улкан ер ўхшайди ўз бошимизга!  
Бир сапчиб тушади жойидан дунё.  
“Улкан ер ўхшайди кўз ёшимизга!”  
Демоқчи бўлгандир у муаллим ё?

Дунёнинг ортидан отилар тошлар:  
-Сенга керакмиди шунчалар, жаҳон?  
Менинг этагимда кесилган бошлар  
Етмиш минг!  
Дод солиб келар Исфаҳон\*.

Соч юлиб йиғлайди ўтмиш ситамгар:  
-Кўз ёшим ўхшайди сенга, эй дунё!  
Кўз ёшим кесилган бошларга ўхшар,  
Замин ҳам кўз ёшим янглиғмиш гўё?..

Коронги замонда кўриниб элас  
Сассиз қалқиб турар осиглиқ Машраб.  
Заминга ҳеч қачон қайтмоқчи эмас  
Дорда ерга ўхшаш бошини ташлаб.

\*Бу шаҳар аҳлининг етмиш минг бошидан  
минора қурилган.

... Глобус айланар устоз қўлида,  
Чайқалар осилиб қолган шўр сувлар.  
Тонг қотган толиблар мурғак ўйидан  
Глобус ҳўкизу китларни қувлар.

Тасаввур фазога айланар бу гал,  
Соябон сингари солланади кўк.  
Ер кезар бир ўзи. Коинот чигал.  
Ер сағир. Ота-ю онаси ҳам йўқ!

Қайда Ер? Сим-сиё ҳайбатли бўшлиқ,  
Заминни излайди ҳўкизнинг шохи.  
Думалоқ кўз ёшга санчилмай тигдек  
Киприклар шох каби туюлмас гоҳи.

Болалик ишонмас муаллимларга:  
-Кўтарар заминни ҳўкизлар, китлар!..  
Ва рангин резина шарларни пуфлаб  
“Ер шарин” учирар. Кўк тўлиб кетар.

“Ер шари” учади юксакни кўзлаб,  
Кафтида кўтарар ложувард ҳаво.  
Қув, қайсар болалик, барибир, сўзлар:  
-Хўкиз, кит кўтарар Ерни доимо!..

Толиблар тинглайди устозни куйдай,  
Ҳайрати сапчийди глобус сари.  
Мактабга кирмасдан, кенг бўшлиқларга -  
“Ер шарин” учирар болаликлари.

.. Глобус айланар, нигоҳлар қўнар -  
Унинг ҳар нуқта-ю ўлкаларига.  
Толиблар дарс тинглар, йўқ, бошни эмас,  
Қўйиб Ер шарини елкаларига

1980

## ЎПИЧЛАР

-Э, салом, бормисан?  
Учрашар дўстлар,  
Бир-бирин ўпади чўзилган қўллар.  
Сўнг қўллар ўпишиб хайрлашади,  
Оқизиб, кетади дўстларни йўллар.

Қорая боради варақнинг юзи,  
Вақт эса тинчитмас ғизиллаб ўтиб.  
Ёзувлар - қаламим бўсасин изи,  
Қаламим қонмагай қоғозни ўпиб.

Тонгданоқ Ер сари нурлар ўсади,  
Ўпичдан ютилар барглардаги тер.  
Изларим йўлларга ботган бўсадир,  
Сени ўпиб тўймас оёқларим, Ер!

Шоир шеър ўқийди кенг залда юксак,  
Мухлислар шайлангай тутмоққа гуллар.  
Бўсалар овози - гулдурос қарсак,  
Ўпишар шиддатла ўнг ва чап қўллар.

Бир кекса сарсондир бошлиқ ваъзидан,  
Бу меҳмон инсонга йўқми ё меҳр?  
Чолдаги шу парча қоғоз юзидан  
Бир ўпич олса бас ундаги муҳр!

Гул-гиёҳ осмондан олай дер бўса,  
Шамоллар бўлади эгмоқ пайида  
Ҳов анов саждагуй чолни, Ер эса -  
Ҳеч тўймай ўпади манглайдан.

Севгилим, хатларинг ўпаман такрор,  
Мадҳингдан бўсалар олгай сўзларим.  
Сен тиниқ қувончга айланган баҳор,  
Узоқдан ўпса ҳам шоддир кўзларим!

2.03.81

\* \* \*

Япроқлар уришар оёғимга бош,  
"Кетмаймиз!" дейишиб сўрайди нажот.  
Дарахтлар ва боғлар олдиришар соч,  
Шуълалар сингари сарғаяр ҳаёт.

Беҳуда ўтказган фурсатлар эса  
Арвоҳдай қўрқитиб энди қўймас тек.  
Япроқлар ингроғи  
Сал шамол эсса  
Кўксингга қадалар Дантес ўқидек.

Учган турналарни кузатсанг секин  
Оёқ изларига ўхшайди, қара.  
Қай бир муҳожирнинг излари букун  
Гўё юрт устида тортади наъра.

Очиқ деразамдан мўралайди Куз,  
Илиқлик кўксига урилар сарин.  
Хазон этолмасдан хўп чекар афсус  
Ўрол Тансиқбоев манзараларин.

Одамлар кўзида яшнайди баҳор,  
Дилида жилғалар оқар тин олмай.  
Кунлари ўриқдай гуллайди такрор,  
Куз сарсон уларни баргдек юлолмай.

(Ўлкам, хазонмассан кузда ҳам сира,  
Тўкилиб битмайсан япроқларсимон.  
Куюш ҳам ҳозирча кулса-да хира,  
Баҳорга қоришган тупроғинг омон!)

Ўз она юртида туғилган инсон -  
Сингари, келганда шамоллар хушхон.  
Япроқларни қувиб юрти - боғлардан  
Бу бўм-бўш майдонда тин олар шамол.

25-28.03.81

## ҚИРЛАР

Қарайман денгизнинг тўлқинларидек  
Наздимда чайқалиб ётибди қирлар.  
Қирлар устидаги танҳо уй эса  
Нажотсиз кемадай қалқир, гичирлар.

Сурувлар ўрмалар, чўпон хотиржам,  
Қўрқаман оч тўлқин ютади ҳозир.  
Бироқ бу тўлқинлар кимирламасдан  
Барини кафтида тутмоққа қодир.

Толиққан қуёш қам қўнарда енгил,  
Тўлқинлар ортига беркинар кейин.  
Ўша тўлқинлардек қирларда кечган  
Болалигимдаги ҳар битта ўйин.

Чиқардим қирларга оёқ, бош яланг,  
Сурувга чиқардим нон тугиб белга.  
У вақтлар қўлимга олмасдим қалам,  
Чўпон таёқ эди мен билан бирга.

Қирларда кемадай сузди кунларим,  
(Ўша тўлқинларнинг авзойи ёмон!)  
Шу ювош тўлқинлар кемамни ютиб  
Ҳар фурсат ўзимни қолдирди омон!

Бўғзида: ютилган оёқ изларим,  
Ютилган йилларим айтди алвидо.  
Ютилди кўклаган қўшиқ, сўзларим,  
Тўлқинлар базмига кечмишим фидо!

Чўпон таёғимни ютди хотиржам,  
Найлар овозини тўймади ютиб.  
Барча қилмишлари бўлганидай кам  
Шаҳарга ташлади мени итқитиб!

Қарайман: денгизнинг тўлқинларидек  
Тинимсиз чайқалиб ётибди қирлар.

Қирларнинг устида танҳо уй ҳамон  
Нажотсиз кемадай қалқир, ғичирлар.

Қарайман: гўёки кечган йилларим -  
Устига мислсиз тупроқ уюлган.  
Қирлар-йилларимнинг чўнг қабристони,  
Мен учун тўлқиндай бўлиб туюлган.

### **БОЛАЛИК ПУЛЛАРИ**

“Ота, дафтар олай беш тийин беринг?”  
“Жон ота, кинога беринг ўн тийин?”  
Бу пуллар васлидан кетардим эриб,  
Бу пул кўп нарсага етарди кейин.

Жажжи севинчимга бу пул етарди,  
Ҳадеб тиқар эдим чўнтагимга қўл.  
Дафтар ҳам, қалам ҳам олиш битарди,  
Шунда ҳам, эҳ ортиб қоларди бу пул!

Дафтар олиб берди шу чақа пуллар,  
Хотиржам алмашлаб уни ўзига.  
Эзгулик йўлида доводирав илк бор  
Қаламни жим босдим варақ юзига.

Қаламга суюниб оппоқ қоғозда  
Митти бармоқларим чиқарди “оёқ”.  
Бу пул олиб берди янгисин тезда  
Дафтарим, қаламим тугамасданоқ.

...Ота, саломатман, шаҳарда бу зум,  
Биласиз, яшайман шеърятга ўч.  
Маошим кўп дуруст - юз йигирма сўм,  
Аmmoки бир ойга етар учма-уч.

Гоҳ сиздан бекитиб пул берар онам,  
Шаҳарда кам бўлма, юргин деб тетик.

Сиз берган шундаги жажжи пуллардан  
Улкан маошим ҳам кўп келди кичик.

Ичиш-өйишлардан ортмайди сира,  
Шу каби беҳуда сарфлар битмайди.  
Бир дона қалам ё дафтарга эса  
Негадир пулларим мудом етмайди.

Ота, қишлоқдамас улкан шаҳарда  
Босаяпман, сиз босган йўлларингизни.  
Маошим етмасдан қолса дафтарга  
Кўмсайман шу жажжи пулларингизни!

1981

### **ҚАРИНДОШЛАР**

Йўлдан ҳориб борган уйимга  
Қариндошлар келади сўраб.  
Ва насихат беришар менга  
Атрофимни ҳалқадай ўраб:

- Қолиб кетдинг олис шаҳарда,  
Яқинроқда йўқмиди ҳеч иш?  
- На борсан ёз, на ёмғир, қорда,  
Яхшими айт, қишлоқдан кечиш?

- Эл ичида юрсанг бўларди,  
Қаримоқда ота ва онанг.  
- Одам гоҳ соғ, гоҳ бўлар дарди,  
Бу ерда бор ўз уйинг, хонанг.

- Катта жойда ҳисобчи бўлди  
Ҳайитчолнинг ўғли Арзиқўл.  
Озгин эди заб этга тўлди,  
Ҳозир эса машинали ул.

- Дўстмурод-чи, ҳозир зўр духтир,  
Тегар кўплаб одамга нафи.

Ҳеч бўлмаса мактабда дарс бер  
Синфдошинг Эшмурод каби.

- Тўй бўлади, бўлади аза,  
Ҳаммасида бўлмоғинг даркор.  
- Яқин жойнинг сомони маза,  
Узоқ дондан нима фойда бор?!

- Бобонг ўтди чавандоз бўл деб,  
Сен-чи, уни дединг, эскилик.  
Урф-удумлар устидан кулиб  
Яшамоғинг, бу қандай қилиқ?

- Ҳаммасини қўяйлик, майли,  
Сен ҳақингда анча миш-миш гап.  
Олислардан, айланиб бошинг  
Уйланишни қолибсан истаб?...

- Ҳаддан ошма, бола, юргин тек,  
Бегона қон қўшмагин қонга.  
-Сурувингга қўй қўшармидик  
Чўлиқ бўлсанг Салом чўпонга...

Юрагини бўшатар шундай,  
Бир оз кирар дилига зиё.  
Қисматимни ўйлашар тинмай,  
Мен орзумга етмаган гўё!

Тўғримда кўп қотиришар бош,  
Наздида мен ноқобил ва қув.  
Дастурхонга сузилганда ош  
Келтирилар Хайём севган "сув".

Бу тунд ҳолат чўзилмас жуда,  
Ҳолни сўрар сўнг бари кулиб.  
"Чин қариндош сенсан!" дейди-да  
Тарқалишар ширакайф бўлиб.

## **ҚЎҒИРЧОҚЛАР**

Қўғирчоқлар асли беҳис, бетуйғу,  
Бир жойда туради, кетиб қолмайди.  
Хув шерни урсанг ҳам туриб берар у,  
Хаттоки отсанг ҳам тишлаб олмайди.

Шунчалар ювошдир ола тўн йўлбарс,  
Паҳлавон айиқ ҳам бу ерда кучсиз.  
Уларнинг бошини узиб олсанг-да  
Дўстлари туришар интиқом, ўчсиз.

Барчаси "Болалар дунёси" аро  
Нақадар беозор, нақадар чўлпон.  
Маскани - ўрмонни ёд этмас асло,  
Хайқириб югурмас томирида қон.

Қўғирчоқлар асли беҳис, бетуйғу,  
Ҳаммаси гўзалдир, ҳаммаси сара.  
Гўдаклар йиғласа то қочиб уйқу  
Бир зум тинчитмоққа излаймиз чора.

Гўдаклар йиғласа тўхтатолмас дўк,  
Беғубор алдовлар гоҳо келмас қўл.  
Дунёда улардан ўзга подшо йўқ,  
Дунёда йўқ шунда сендан бошқа қул!

Сен бориб васлининг энг яқинига  
Муножот қилсанг-да ингичка, йўғон.  
Барибир, йиғисин соф оқимиға  
Ҳиссиз қўғирчоқлар бўлади тўғон.

Дунёнинг шу жажжи подшоларидан  
Ушбу қўғирчоқлар фақат келар зўр.  
Жонсиз айиқлару жонсиз шерларнинг  
Шунда борлигига қиласан шукур!

Ҳаёт хислат берар ҳар ёшга монанд,  
Каттага ярашмас гўдаклик бироқ,  
Бировлар қўлида лақмалар доим  
Каттакон ёш билан бўлар қўғирчоқ.

Тирик қўғирчоқни ўйнар катталар,  
Юпанар уларни ўйнаб эрта-кеч.  
Тирик қўғирчоқлар чирансин баттар  
Маъсум гўдакларни юпатолмас ҳеч.

Гўдаклар подшоҳи пок қўғирчоқдир,  
Жонсиз шакллардан кулгуси бардам.  
“Болалар Дунёси” чиндан йироқдир  
Бемаслак, жони бор “қўғирчоқ”лардан!

1981

### **ОДАМ**

Энг аввал оламга келгач бешиқда  
Қутлади: нур, осмон, ранг-баранг гуллар  
Сўнгра у янгради ғамда, қўшиқда,  
Олдида буралиб югурди йўллар.

Гоҳ борар манзилнинг олис васлига  
Бир зумда самолёт, поездда етди.  
Машиналар сероб оламдан эса  
Имиллаб сузгувчи тобутда кетди.

### **ЁҒОЧГА СУЯНГАН УЙЛАР**

Ёғочга суяниб қолибсиз, уйлар,  
Ахир, тик эдингиз, эдингиз расо.  
Эздими зах тортган энг оғир уйлар,  
Бугун-чи, иложсиз тутибсиз асо.

Сувоқлар кўчибди, юзингиз дағал,  
Қаттиқ чанг солдими йиллар чангали?

Чўктириб қўйдими шафқат этмай сал  
Фарзандсиз анов эр, хотин жанжали?

Ой ҳар чоқ мўралар кўзларингиздан,  
Ёшликдай шиддаткор нурларин тўкиб.  
Ёмғирлар тепкиси туфайли тезда  
Заминга ё шундай қолдингиз чўкиб?!

Кўролмай у мағрур савлатингизни  
Бўронлар қўймоқчи бўлганида чек,  
Мардона қуламоқ олдида Сизни -  
Нажоткор ёғочлар тутиб қолди тик!

"Ёр-ёр"га лиқ тўлган куннинг тусларин  
Қоқилган кашталар, мактублар асрар,  
Қўйнингизни сочмай висол исларин  
Чўктириб қўйди ё қайтмаган аскар?

Кўчган сувоқларни, кўчган рангларни  
Яшириб бўлмайти ҳаттоки бўяб.  
Сиз тортган дардларни, кўрган ғамларни  
Бардошли ёғочлар турибди суяб!

3.10.81

### **БОЛАЛИК**

У фақат севади хивич отларни,  
Кўрғонларни севиб қумдан қуради.  
Билмайди хушомад илтифотларни,  
Муштлашиб, қоқилиб - у пок юради.

Ғўра меваларни узиб қочади,  
Қоровул сезмаса еяр голиб, шод.  
Катталар атайин дўқин сочади,  
Барча шўхлигини кечирар ҳаёт.

Киз, йигит бурчакда турса шивирлаб  
Уялиб, устидан пиқ-пиқлаб кулар.

Бир айби: у ўчдир ширинликка заб,  
Ва ширин сўз билан алдаса бўлар.

Ота ва онасин севар ягона,  
Севади эртакнинг садоларини.  
Болалик шу билан бахтлики яна:  
Билмайди севгининг савдоларини!

### **АРХЕОЛОГГА**

Жонга тегмадими ўтмишда яшаш?  
Форларда тўнадинг кеч кирган ҳамон.  
Ёқдинг ибтидоий одам каби ўт,  
Гоҳо Тош даврига бўлдинг ҳам замон.

Асрлар ёнидан ўтдинг бепарво,  
Тиғлар синиғидан яратдинг тарих.  
Тешиктош қаъридан сен топган бола,  
Мозийдан бугунга очди бир ариқ.

Шаҳарлар қабрини очдинг бесабр,  
Ер ости дунёси фикринг этди банд.  
Қарагин кафансиз кўмилган, ахир,  
Ер юзин тарк этган қадим Мароқанд!

Кушон толилдиғи сўзлар миллати,  
Парча сополларда тирналган замон.  
Кушон подшоҳининг қошида, айтгин,  
Қайси шафқат билан юрибсан омон?!

Энг қонли жангларни юрдинг оралаб,  
Найзалар отилса қоқмадинг киприк.  
Маҳмуд Торобийга зафарлар тилаб,  
Муқанна ёнига йўл олдинг тирик!

Вужудинг бамисли оғир тошсимон  
Энг қадим замонлар баҳрига ботар.

Шўх, тирик сувларни айлаб қабристон  
Чўнг денгиз тубида Карфаген ётар!

Тарихнинг хазонрез варақларини  
Ёқади беаёв оловли жанглар.  
Чаппордай уларнинг даракларини  
Келтириб яшайсан, одамзод англар.

Урушлар қалбларга солади ҳадик,  
Замонлар минорлар қаддини букар.  
Синган тиг, қиличлар ул Карфагендек  
Юраклар тубига жаранглаб чўкар.

Наҳотки дунёда йўқ ўзга сабр?  
Чўкмоқчи шаҳардай сўрайсан нажот:  
Наҳотки, юраклар тарихга қабр?  
Наҳот, тирикликка қабрдир Ҳаёт.

1981

\*\*\*

Бир тош кўрсанг йўл ўртасида  
Тегиб ўтма, ёр қилиб ҳазар.  
Сени кутиб оёқ остида  
Ётар тошга айланиб Назар.

Аямасдан ардоқларингни  
Зангор сойни кечасан кулиб.  
Билмайсанки, оёқларингни  
Ўпар шу чоқ Назар сув бўлиб.

Бевафолик қилса гар санам  
Ҳайиқмасдан мард эр тиг санчар.  
Хушёр торттин, ичиб онт-қасам  
Юргай Назар шаклида ханжар.

Топмас эди шеърларим сайқал  
Ёр, бермасанг ишқинг билан зеб.  
Сенга тиклаб сўзлардан ҳайкал  
Имзо чекдим "Назар Шукур" деб.

Соқчи каби турган ҳар дарахт  
Манзилингга омон етказар.  
Қўйганмисан уларга қараб?  
Ахир, унинг ҳаммаси - Назар!

Сени кўздай асрамоқ учун  
Жисми билан интилиб нурга,  
Гирдингдаги нарсалар бугун  
Айлангандир Назар Шукурга!

1.01.84

### **"ЎТКАН КУНЛАР"**

Ўтмиш - ўтган кунлар.  
Қаро кечмишда  
Оқил, ҳақ одамлар топмади камол.  
Баҳори ранг олди совуқдан, қишдан,  
Эркалаб суймади боғларни шамол.

Отабек сингари севсанг эл, халқни,  
Кўксингни мўлжалга олди милтиқлар.  
Тан олмади ўтган у кунлар ҳақни,  
Одилроқ чиқдингми излади ўқлар.

Кечириб бўлмагай, тубсиз ўпқондай  
Шунча оҳ-додларни ютган тунларни.  
Кечириб бўлмагай, наҳот, қон билан  
Кимлардир бўлғаган ўтган кунларни!

31.10.81

## **ОҚСОҚОЛНИНГ НАБИРАСИГА АЙТГАНИ**

Мана, кўзларингда нурлар чайқалар,  
Сенга тор туюлмас бу ёруғ олам.  
Бу Навоий, Қодирий мағрур ҳайкаллар  
Ўз қаддин юртингда кўтарди, болам.

Кувон, ўз устингда миллий кийиминг,  
Ҳеч биров камситмас юрсанг кўчада.  
Бахтлисан, ўзбекча мактаб, ўйининг,  
Бу яхлит ҳуқуқдан бўлмайсан зада.

Ариза битмассан ажнабий тилда,  
Баландда кўрасан ватанинг туғин.  
Юртингни ётлардан соб этган элда  
Сен билган забонда ўтар ҳар йигин.

Сен учун қурмоқда улкан бинони,  
Саргардон юрмайсан излаб ижара.  
Тушуниб тинглайсан ҳар бир кинони,  
Ҳаммаси тилингда гапирар, қара.

Барча ҳақсизликни курашиб энгдик,  
Ҳеч биров саналмас "қора" ё "оқ тан".  
Гуллагай Ватаним аталган кенглик,  
Шамоллар эсаркан турфа тарафдан.

Ўзбекистон мулкин, халқинг мулкини  
Ғайрилар беаёв кетолмас ташиб.  
Сен сари талпинар Жайхун тўлқини,  
Гулларга кўймоқчи қирғоқдан ошиб.

Менда на олтин бор ва на сийму зар,  
Ўзбекистон - мулким. Йўқ армон, нолам.  
Бу юртнинг тизгинин олса ўзгалар  
Ватанкуш ва халқкуш бўласан, болам!

1983

### **НИШОН АКАНИНГ ЭТИГИ**

- Ука, кўп айландик, кеч бўлди анча,  
Бир кебмиз. Кирайлик ресторанга, юр!..  
Чўнтакка беркинган ҳар битта панжа,  
Совуқ чироқлардан ёғилади нур.

Қалтираб ресторан зшигин очдик,  
Димоққа урилар иссиқ, май ҳиди.  
Тун қолди совуқда тўлғониб сочдек,  
Чироқлар меҳрибон кулмоқда эди.

- Хой, тўхтаг, рухсат йўқ! Бу нима, окам,  
Оёқда каттакон чанг кирза этик?..  
Эҳ, Нишон аканинг боши бўлар ҳам,  
Қарс этиб ёпилар ойнаванд эшик.

Қоратўн зшиқбон очмайди бизга,  
Илтимос этмоққа қўймайди ғурур.  
Нишон ака қатъий лаб очар сўзга:  
- Этиқдан кечмайман, ука, барибир!

Эшиқбон чарх урар қаршимда шу зум,  
Назарга илмади қадоққўлни ул.  
Шунчалар баландда тутдими ўзин  
Топса-да ҳар кимга атир сепиб пул.

Оқизиб келганди бўш вақт ўзани,  
Ўтган куз, ахир, зўр бўлганди план.  
Эркин бўй чўзсин деб ҳар бир ғўзани  
Қанча лой, сув кечди шу этик билан!

Шу этик асради оёқларини,  
Асло кор этмади қишларнинг қасди.  
Туйди-ю кенгликлар ардоқларини  
Фақат Ўзбекистон тупроғин босди.

Кўнди шу этикса далалар гарди,  
Ва кўнди гардлари Ўзбекистоннинг.  
Бу азия чанглари шундан артмади,  
Бу азия чангларга тиккандир хонни.

Ресторан зинги, нахот, чегара,  
Эшикбон, ҳаётда бунча сохта сен?!  
Қанча сарқадлардан ошган-ку қара,  
Этиklar асраган деҳқон пахтаси!

Одамлар! Шаҳарни кезганда гопр -  
Бу этик чанглари қилманга ҳеч ман.  
Пахтасиз қолмасин десанга дунё  
Нишон ажаларнинг этигини ечманг!

24.01.82

### **ЛЎЛИЛАР ҚЎШИҒИ**

Дўстим Баҳодирга

Оёғимиз ўлди дунё юзини,  
Яшаймиз турфа хил эл орасида.  
Топганимиз не юртинг нону тузини,  
Беқарор қисматдан йўқ саросима.

Гарчи аталмадик ягона миллат,  
Биз учун аталди Ер юзи - Ватан.  
Хайру аҳсонларни билмадик иллат,  
Аҳдоқлар удумин сийладик зотан.

Яшадик турфа хил эл орасида,  
Бирок воқ кечмадик либосимиздан.  
Ёт ирим-одатлар чорраҳасида  
Чиқмадик лўли деб аталган издан.

Тиланчи аталдик. Ботмади оғир,  
Зулумат ёлмади ўшақда кўани.

Таъналар бош узра ёгилса, ахир,  
Ортиқроқ англадик ўзлигимизни!

Не тонг, воз кечмадик тўрвамиздан ҳеч,  
Далалар кўчоғин айладик ётоқ.  
Биз кўрдик осмонда юлдузларни - зич,  
Шудрингли тонгларни биз кўрдик оппоқ!

Ўзига тортмади ҳу турғун қаср,  
Гадолик қилмадик йиғиш учун мол.  
Биз доим лўлилик урфига асир,  
Ҳар қайда, барибир, очавердик фол.

Пайлардан қирқмадик мартаба учун,  
Сотмадик мансаб деб бир-биримизни.  
Биз тутган таёқлар нақадар узун  
Итлардан асради ҳаётда бизни.

Куйладик кенгликлар ҳавосини шўх,  
Ёмғирда чодирлар жим кўтарди қад.  
Бизнинг қувноқликда ҳеч чегара йўқ,  
Тиканли симлардан қурмадик сарҳад.

Не гуноҳ, уйма-уй юрсак саросар?  
Тиланмоқ азобин, майли, зтинг ҳис.  
Аждодлар урфидан ор этсак агар  
Оламда тугар-ку авлодларимиз!

Порани билмаймиз, йўқ бизда зарда,  
Не топсак ўртага ташладик сочиб.  
Ҳар хил телефону креслолардан  
Бир умр бўйи рост яшадик қочиб.

Ҳар недан адоват туймадик қайта,  
Ранжидик орага бош суқса илон.  
Лўлилар жангини кўргансиз қайда?  
Тарихда ҳеч уруш қилганми эълон?

Изламанг, топмайсиз мазоримизни,  
Кўмилган руҳларнинг макридан қочдик.  
Қаро ер ютмади ўлганда бизни,  
Муқаддас юракдан қабрни очдик.

Эгилди арзимас чақалар учун,  
Гўёки наздларда биз топталдик хор.  
Йўқ, шунда ҳис этдик лўлилик бурчин,  
Аслида буқилмас гуруримиз бор.

Пок қолдик лўлича эътиқод билан,  
Кўймадик виждонни оч қолганда еб.  
Одату урфимиз йўлида зотан  
Биз билдик ҳар қандай гадоликни эл!

### **МАШРАБ ҚЎШИҒИ**

Не юртни дарбадар кездим  
оёғимда гуноҳ йўқдир,  
Кўз ашким бузди дунёни  
қароғимда гуноҳ йўқдир.

Юрагим ғамга садоқдир,  
Кўп отдим нафратим ёйин,  
Адо бўлмас экан ёйим  
садоғимда гуноҳ йўқдир.

Тарк этдим чархи фалакни,  
мени тарк этмади оҳлар,  
Агар кечсам бу очундан  
талоғимда гуноҳ йўқдир.

Гоҳо эл-юртни оч кездим  
насибам бўлди ёлғон,  
Мудом бўш бўлса, зй дўстлар,  
товоғимда гуноҳ йўқдир.

Аёнлар гардуни аро  
Гўё тийра булутдирмен,  
Нетай ҳар куни қор ёғса,  
қовоғимда гуноҳ йўқдир.

Ўсиқдир соқолу мўйлар,  
Тарашга етмаса ҳолим  
тутундек тўзиган сочлар,  
тароғимда гуноҳ йўқдир.

Кўникмадим ноҳақликка  
Ноҳақнинг қотили бўлсам  
қаламим бўлди яроғим,  
яроғимда гуноҳ йўқдир.

Худоман! Гарчи кофир деб  
Бўғар сиртмоқ, билинг, ахир,  
Мансурни тортдилар дорга,  
томоғимда гуноҳ йўқдир!

14.08.82

### **ОНАМГА**

Она, энди ортга қайтиш йўқ,  
Ярим умрим шеър билан ўтди.  
Тупроқ йўллар изимга интиқ,  
Қишлоқ мағлуб, бу шаҳар ютди.  
Шеър устида яшнаб, сўламан,  
Барибир, мен шоир бўламан!

Қай мунаққид сатрларимнинг  
Газетларда айтса қусурин.  
Ҳасадгўйлар кулиб, тортди кенг,  
Тотди шунда ҳаёт ҳузурин.  
Бу зотлардан роса куламан,  
Барибир, мен шоир бўламан!

Бу йўлда ғов кўп экан, она,  
Ҳаёт - кулол. Пишитди рўй-рост.  
Заб пишитди ҳасад, кин, таъна,  
Тарк этмади илҳом, эҳтирос.  
Оқ, қорани энди биламан,  
Барибир, мен шоир бўламан.

Қайтиш йўқдир, она, назмдан,  
Яшолмайман қаламсиз сира.  
Йўқ, бўлмайман пулга таъзимда,  
Ахтармайман ҳаётдан шира.  
Шеър устига қулаб ўламан,  
Барибир, мен шоир бўламан!

1984

\* \* \*

Гуллар сўлса боқма унга сен маъюс,  
Ачинмагин, тонгда кўрсанг қаддин ёй.  
Баҳор билан бўлиб фақат юзма-юз,  
Тополган-ку юрагиндан бари жой.

Кўл тубида аввал дилинг яйратиб,  
Ундан чиқиб узоқларга ботса ой.  
Изламагин, уфқлардан оқ тортиб,  
Тополган-ку юрагиндан бари жой.

Сулув қиздай кўзгусидан айрилиб,  
Ой синигин тополмасдан юрса сой.  
Тонгим, қара, ўз қалбингга қайрилиб,  
Тополган-ку юрагиндан бари жой.

Агар йиллар оқаверса бераҳм,  
Менинг севгим ул дарёга бермас бой.  
Ахтармайман ёт диллардан юпанчим,  
Тополган-ку юрагиндан бари жой.

1980.

## МУНДАРИЖА

|                                |    |
|--------------------------------|----|
| Кўзгу .....                    | 3  |
| Шаршара .....                  | 3  |
| Мажнунтол .....                | 3  |
| Сонет .....                    | 4  |
| Кунгабоқар .....               | 4  |
| «Сўзлай қолса...» .....        | 4  |
| Овозимнинг чегаралари .....    | 5  |
| «Эринг...» .....               | 5  |
| Хаёл сарҳади .....             | 6  |
| Учрашувлар .....               | 6  |
| Суврат .....                   | 6  |
| «Умрлар...» .....              | 7  |
| Тунги соатлар .....            | 7  |
| Шакллар .....                  | 8  |
| Фарибнинг кўшиғи .....         | 8  |
| «Хувуллаб...» .....            | 9  |
| «Не ҳадиклар...» .....         | 9  |
| «Бошинг хамдир...» .....       | 10 |
| «Хайр...» .....                | 10 |
| «Мен кетаман...» .....         | 10 |
| Чўкиб ётар...» .....           | 11 |
| Вақт хиёбонида .....           | 11 |
| «Томчидай...» .....            | 11 |
| Болалик .....                  | 12 |
| «Ишончингга...» .....          | 12 |
| «Осмон булут...» .....         | 12 |
| Ҳижрондан сўнг .....           | 13 |
| «Юрак осмонида...» .....       | 13 |
| «Тун кутади...» .....          | 14 |
| «Ҳар ҳолда юпанч бор...» ..... | 14 |
| Беморнинг умри .....           | 14 |
| «Истиқбол...» .....            | 14 |
| «Офтоб...» .....               | 15 |
| Оқ сарой .....                 | 15 |
| «Армон...» .....               | 16 |
| «Ҳа, қўналга...» .....         | 17 |
| Ўйлар қаърида .....            | 17 |

|                                 |    |
|---------------------------------|----|
| Уйқулар бахтлики .....          | 17 |
| «Бугун ҳам...» .....            | 18 |
| Манзара .....                   | 18 |
| «Кўз очаман...» .....           | 19 |
| «Ўзим...» .....                 | 19 |
| «Оқаяпмиз...» .....             | 20 |
| «Ҳали...» .....                 | 20 |
| «Учиб кетган...» .....          | 20 |
| Қисмат орти .....               | 21 |
| Кўпқари .....                   | 21 |
| «Атрофимда...» .....            | 23 |
| «Оқшом...» .....                | 24 |
| «Мен сўзлайман...» .....        | 24 |
| Таржималар .....                | 25 |
| «Энг юксакда...» .....          | 25 |
| Раскольников .....              | 26 |
| «Хаёлларим...» .....            | 26 |
| «Сен ташнасан...» .....         | 27 |
| Қишлоқ .....                    | 27 |
| Дерсу Узала .....               | 27 |
| Отамнинг хати .....             | 28 |
| «Бугун сен...» .....            | 30 |
| Туялар .....                    | 30 |
| Қумдаги қўрғон .....            | 31 |
| «Қирлар...» .....               | 32 |
| Баҳор соғинчи .....             | 33 |
| Сомон йўли .....                | 34 |
| Катталар .....                  | 34 |
| Мирқарим Осим .....             | 36 |
| Кўли Қўббонда .....             | 36 |
| «Сокин туйғуларинг» .....       | 37 |
| Эски шаҳар .....                | 39 |
| «Яшиллик йиғилган...» .....     | 39 |
| Номаълум овоз .....             | 41 |
| «Гуноҳдор...» .....             | 42 |
| Тувакдаги гул .....             | 42 |
| Бегимқул бобонинг айтгани ..... | 43 |
| «Кетаяпсан...» .....            | 44 |
| Онамга мактуб .....             | 45 |

|                                      |    |
|--------------------------------------|----|
| «Кўксингда...» .....                 | 46 |
| Тиниш белгилари .....                | 47 |
| Сен қайтмасанг .....                 | 48 |
| Сайёҳ пойтахт .....                  | 49 |
| Кўмилган ёзувлар .....               | 51 |
| Соялар .....                         | 52 |
| «Бировлар...» .....                  | 54 |
| Чилён қори .....                     | 55 |
| Армон .....                          | 56 |
| Сим йўллар .....                     | 57 |
| «Сира...» .....                      | 59 |
| Хатоларим .....                      | 60 |
| Нидо .....                           | 60 |
| Баллада .....                        | 61 |
| 9-феврал .....                       | 64 |
| Бекинмочоқ .....                     | 66 |
| Рухсизликда .....                    | 67 |
| Уй .....                             | 68 |
| Куз ўйлари .....                     | 70 |
| Ер шари .....                        | 71 |
| Ўпичлар .....                        | 73 |
| Япроқлар.....                        | 74 |
| Қирлар .....                         | 74 |
| Болалик пуллари.....                 | 76 |
| Қариндошлар.....                     | 78 |
| Кўғирчоқлар.....                     | 79 |
| Одам.....                            | 81 |
| Ёғочга суюнган уйлар .....           | 81 |
| Болалик .....                        | 82 |
| Археологга .....                     | 82 |
| «Бир тош кўрсанг...» .....           | 84 |
| «Ўткан кунлар...» .....              | 85 |
| Оқсоқолнинг набирасига айтгани ..... | 85 |
| Нишон аканинг этиги .....            | 86 |
| Лўлилар кўшиғи .....                 | 88 |
| Машраб кўшиғи .....                  | 90 |
| Онамга .....                         | 91 |
| «Гуллар...» .....                    | 92 |

Адабий -бадиий нашр

Назар Шукур

# **ВИДО**

Шеърлар

Мухаррир А. Тайпатов  
Мусаввир А. Сатторов  
Техник муҳаррир Ч. Раҳмонов  
Мусаҳҳиҳа Б. Ҳайдарова

**ИБ № 0879**

Теришгз 25.06. 2005 йилда берилди. Босишга 16.07. 2005 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32. Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 5,04. Шартли бўёқ-оттиск 5,29. Нашр босма табоғи 3,67. 250 нусхада. № 27-07. буюртма. 47-2005-шартнома. Эркин нарҳда.

**Қарши шаҳри, "Насаф" нашриёти, Мустақиллик кўчаси, 22-уй.**

**"Графика" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.**